

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT STANDARTI

Туризм хизматлари. Пляж фаолиятига доир талаблар ва тавсиялар

(ISO 13009:2015, MOD)

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги

Тошкент

STANDARTLAR INSTITUTI
#NGDB1RQ07Y - 22.09.2021

Сўз боши

1 Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг “Туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази” Давлат унитар корхонаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ва ТАСДИҚЛАШГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

2 Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг 2021 йил « 12 » июль даги 05-1349 – сонли қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди.

3 Ушбу стандарт ISO 13009:2015 Tourism and related services — Requirements and recommendations for beach operation халқаро стандартга нисбатан МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН.

4 Стандартга қуйидаги таҳририй ўзгартишлар киритилган: “халқаро стандарт” сўзлари “ушбу стандарт” сўзларига алмаштирилган. Стандартнинг Ғилоласи Россиянинг ГОСТ Р 55698:2013 “Туристские услуги. Услуги пляжей. Общие требования” миллий стандарти талаблари билан уйғунлаштирилган.

5 O‘z DSt ISO 13009:2019 (ISO 13009:2015, ITD) ЎРНИГА.

Ушбу стандартни ва унга бўлган ўзгартишларни Ўзбекистон ҳудудида жорий этиш ҳақидаги ахборот «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичда чоп этилади.

Ушбу стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш мутлақ ҳуқуқи “Ўзстандарт” Агентлигига тегишли.

Мундарижа

Сўз боши	IV
Кириш	V
1 Қўлланиш доираси.....	1
2 Норматив ҳужжатларга ҳаволалар	1
3 Атамалар ва таърифлар	2
4 Пляжларни бошқаришнинг умумий талаблари ва тавсиялари.....	3
5 Инфратузилма.....	10
6 Хизматларни тақдим этиш.....	15
А илова (маълумот учун)	
Сиғим концепцияси.....	29
В илова (маълумот учун)	
Чўмилиш суви сифати.....	30
С илова (меъёрий)	
Инфратузилмага доир минимал талабларнинг назорат рўйхати.....	32
D илова (маълумот учун)	
Пляжда соя берувчи материал намуналари.....	35
Е илова (маълумот учун)	
Йўқолган ва топилган шахслар.....	38
F илова (мажбурий)	
Пляжларни тоифалашга доир талаблар	40

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ISO) стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотларнинг (ISOнинг аъзо-қўмиталари) бутунжаҳон федерацияси ҳисобланади. Одатда халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ISOнинг техник қўмиталари томонидан амалга оширилади. Тузилган техник қўмитанинг фаолиятдан манфаатдор бўлган ҳар бир аъзо-қўмита ушбу қўмитага вакил бўлиш ҳуқуқига эга. ISO билан алоқага эга бўлган халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳам ишларда иштирок этадилар. Электротехника соҳасида стандартлаштиришнинг барча масалалари бўйича ISO Халқаро электротехника комиссияси (IEC) билан яқин ҳамкорликда ишлайди.

Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш ва унга кейинги хизмат кўрсатиш учун фойдаланилган тартиб-таомиллар ISO/IEC Директиваларининг 1-қисмида баён этилган. Жумладан кўриб чиқишнинг турли мезонлари ISOнинг ҳар хил турдаги ҳужжатлари учун зарурлигини қайд қилиш лозим. Ушбу ҳужжат ISO/IEC Директиваларининг 2-қисмидаги таҳририй қоидаларга мувофиқ тузилган (www.iso.org/directives га қаранг).

Ушбу ҳужжатнинг айрим элементлари патент ҳуқуқларининг объекти бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш лозим. ISO бирор-бир ёки барча бундай патент ҳуқуқларини аниқлашга жавобгарлик олмайди. Ҳужжатни ишлаб чиқишда аниқланган бирор-бир патент ҳуқуқлари тўғрисида батафсил ахборот киришда ва/ёки ISOнинг маълум қилинган патент декларациялари рўйхатида берилади (www.iso.org/patents га қаранг).

Ушбу ҳужжатда фойдаланилган ҳар қандай савдо маркаси фойдаланувчиларнинг қулайлиги учун берилган ахборот ҳисобланади ва уларни қўллаб қувватламайди. Стандартларнинг ихтиёрий хусусиятини, мувофиқликни баҳолаш билан боғлиқ бўлган ISO нинг муайян атамалари ва ифодаларининг мазмунини тушунтириш учун, ҳамда Савдодаги техник тўсиқларда ISO нинг Халқаро савдо ташкилоти принципларига мувофиқлиги тўғрисида ахборотни URL: Foreword — Supplementary information манзилда кўринг.

ISO/TC 228 Tourism and related services техник қўмитаси ушбу ҳужжатга жавобгар ҳисобланади.

Кириш

Ҳозирда пляжлар учун махсус стандарт мавжуд эмас ва операторлар учун пляж бошқарувини аниқлаш ва режалаштиришда пляж бошқаруви бўйича жуда кам йўриқномалар мавжуд. Натижада кўп пляжлар барқарор равишда ривожланмаган ё бошқарилмаган, оқибатда жойларнинг табиий гўзаллиги йўқолишига ва пляж фойдаланувчиларининг салбий таърибасига олиб келган. Ушбу стандарт пляж бошқаруви ва хавфсизлиги учун халқаро мезонлашни белгилашга кўмаклашади.

Ушбу стандартнинг мақсади пляж операторларига пляжларни бошқариш масъулияти бўйича энг яхши амалиётга асосланган изчил ёндашувни қўллаш ва таниш бўлган қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Пляжларни умумий ташкиллаштириш билан бирга ушбу стандарт пляж хавфсизлиги бўйича ўқитишни ва маълумотлар билан таъминлаш, белгилар ўрнатиш, рухсат бериш ва чегаралаш, назорат ва қутқарув, сув сифати ва пляж қулайликлари каби муҳим жиҳатларни қамраб олади.

Ҳар бир пляж такрорланмас ва ўз хусусиятларига эга. Маълум пляжлар йилнинг асосий қисмида паст фаолликдаги пляж деб аталиши, лекин йилнинг икки ҳафтаси давомида юқори фаолликдаги пляж деб таснифланиши мумкин (масалан, мавсум авжида ёки карнавал вақтида), шундай қилиб бошқариш учун бошқа ёндашув талаб қилинади ва вақтинчалик қулайликлар ташкил қилиниши керак бўлади. Ушбу стандарт юқори ва паст фаолликдаги пляжларни аниқ ажратмасдан ҳар иккаласини ҳам қамраб олади.

Пляж оператори пляж хавфларини баҳолаш натижаларига кўра ушбу стандартни маълум хусусиятларини муайян пляжга қўллаши мумкин. Пляж хавфларини баҳолаш машқлари ҳар бир пляж учун бошқарув ва хавфсизлик масалаларини кўриб чиқишни осон йўлидир.

Ушбу стандартни қай тарзда амалга оширишни аниқлаш учун ҳар бир пляжда мавжуд бўлган хавф ва зарарларга диққат қаратадиган ва изчиллик ёки таъсирни камайтириш учун зарур. Хавфни баҳолаш ҳам пляж турини аниқлайди (яъни юқори фаолликдаги ёки паст фаолликдаги пляж).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Туризм хизматлари.

Пляж фаолиятига доир талаблар ва тавсиялар

Туристские услуги.

Требования и рекомендации к деятельности пляжа

Tourism and related services.

Requirements and recommendations for beach operation

Жорий этиш санаси: 12.10.2021

1 Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт туристлар ва ташриф буюрувчиларга хизматларни таклиф қилувчи пляж операторлари учун умумий талаб ва тавсияларни белгилайди. Бу ҳам пляж операторлари ҳам фойдаланувчиларга барқарор бошқарув ва режалаштириш, пляжга эгалик қилиш, барқарор инфратузилма ва хизматларни тақдим этиш эҳтиёжлари, жумладан пляж хавфсизлиги, маълумот ва мулоқот, тозалаш ва чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича маълумот беради.

Ушбу стандартни пляжларда чўмилиш даврида қўллаш мумкин.

2 Норматив ҳужжатларга ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга тўлиқ ёки қисман норматив ҳаволалар келтирилган:

O‘z DSt 3220:2017 Туризм хизматлари. Жойлаштириш воситалари. Умумий талаблар

O‘z DSt 3296:2018 Туризм хизматлари. Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари. Таснифлаш тизими

O‘z DSt ISO 31000:2019 Хавф менежменти. Принциплар ва қўлланма

O‘z DSt ISO 31010:2016 Хавф менежменти. Хавфни баҳолаш усуллари

ISO 7001:2007 Graphical symbols. Public information symbols (Графические символы. Информационные символы для общественных мест)

ISO 20712-1:2008 Water safety signs and beach safety flags. Part 1: Specifications for water safety signs used in workplaces and public areas (Знаки безопасности на воде и флаги безопасности на пляже. Часть 1. Технические условия на знаки безопасности на воде, применяемые для информации в рабочих и общественных зонах)

ISO 20712-2:2007 Water safety signs and beach safety flags. Part 2: Specifications for beach safety flags. Colour, shape, meaning and performance (Знаки безопасности на воде и флаги безопасности на пляже. Часть 2. Технические условия на флаги безопасности на пляже. Цвет, форма, содержание и эксплуатационные характеристики)

ISO 20712-3 Water safety signs and beach safety flags. Part3: Guidance for

STANDARTLAR INSTITUTI

#NGDB1RQ07Y - 22.09.2021

use (Знаки безопасности на воде и флаги безопасности на пляже. Часть 3. Руководство по использованию)

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда куйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилган:

3.1 кириш рухсат этилган пляж: Муайян эҳтиёжга эга одамлар хавфсизлигини таъминлайдиган бир қанча талабларга жавоб берадиган пляж (3.3).

3.2 чўмилиш мавсуми: Пляж хизматлари мавжуд бўлган ва маҳаллий омиллар ва хавфни баҳолашни ҳисобга олган ҳолда салмоқли чўмилувчилар ташриф буюрадиган йилнинг маълум даври.

Изоҳ - Хавфни баҳолаш бўйича маълумот учун 6.2 га қаранг.

3.3 пляж: Қум, шағал, тош ёки бошқа материаллардан ташкил топган, кўнгилочар тадбирлар ўтказиладиган ва пляж операторлари томонидан хизмат кўрсатиладиган, сув ва чўмилиш жойларига кириш қулайликлари яратилган жой.

Изоҳ - Бунга қирғоққа уланган ёки унга яқин бўлган пиёда йўллари ва шунга ўхшаш жойлар қирмайди.

3.4 пляж операторлари: Бошқарув ва пляж (3.3) билан боғлиқ жиҳатларни текшириш, жумладан унинг жамоат бошқаруви ҳамда таъсир доираси тайинланган ташкилот.

3.5 сиғим: Маълум вақт мобайнида пляждан (3.3) ёки сувдан фойдаланиш мумкин бўлган фойдаланувчиларнинг (3.16) максимал сони.

Изоҳ - Қўшимча маълумот учун А иловага қаранг.

3.6 пляждаги фавқулодда хизматлар назоратчиси: Қирғоқдаги фавқулоддаги ҳолатлар ёки режаларни мувофиқлаштирувчи, лаёқатли ва ваколатли бўлган ташқи муассасалар билан алоқага чиқувчи шахс.

Изоҳлар

1. Ташқи муассасаларга ички ишлар, фавқулодда вазиятлар тузилмалари (ўт ўчириш хизмати), тез ёрдам хизмати, қирғоқ қўриқчиси, ҳарбий ва фуқаролик муҳофазаси ёки қутқарувчилар қиради.

2. Муассаса ёки хизмат одатда қирғоққа алоқадор фавқулодда ҳолатларни мувофиқлаштириш учун қонуний мақомга эга бўлади.

3.7 атроф-муҳит: Ҳаво, сув, табиий ресурслар, ҳайвонот олами, ўсимликлар, инсоният ва уларни ўзаро муносабатларини ўз ичига оловчи ташкилот (3.11) фаолият юритадиган шароитлар.

3.8 биринчи ёрдам: Яраланган, ҳушини йўқотган ёки ҳаёти хавф остида бўлган инсонни ҳаёти учун муҳим вазифаларини у малакалироқ ёрдам олгунга қадар сақлаб туришга қаратилган фавқулодда жараён.

[МАНБА: ISO/TR 21102:2013, 2.9]

3.9 юқори фаолликдаги пляж: Дам олиш ва савдо фаолияти тез-тез содир бўладиган пляж (3.3).

Изоҳ - Юқори фаоллик кириш қулайлиги, объектлар мавжудлиги, пляж фойдаланувчилари (3.16) роҳатланиши учун яхши реклама/назорат қилиниши билан изоҳланади.

3.10 паст фаолликдаги пляж: Дам олиш ва савдо фаолияти кам содир

бўладиган пляж (3.3).

Изоҳ - Паст фаоллик киришдаги ноқулайлик ёки аҳоли пунктига яқинлиги билан изоҳланади.

3.11 ташкилот: Масъулияти, ҳуқуқлари ва муносабатлари тақсимланган инсонлар ва объектлар гуруҳи.

Мисол - Компания, корпорация, фирма, корхона, институт, муассаса, хайрия ташкилоти, якка тартибдаги тадбиркор, ассоциация ёки унинг қисми, ёки унинг комбинацияси.

Изоҳлар

1. Жойлашуви одатда тартибли бўлади.

2. Давлат ташкилоти ёки хусусий бўлиши мумкин.

3. Ушбу таъриф сифат менежменти тизими стандартлари учун амал қилади. “Ташкилот” атамаси ISO/IEC Guide 2 да бошқача тавсифланади.

[МАНБА: ISO 9000:2005, 3.3.1]

3.12 қутқарув хизмати: Қирғоқда юзага келган фавқулодда ҳолатларда тезкорлик билан тегишли қутқарув тадбирларини амалга ошириш учун махсус тайёргарликдан ўтган ва жиҳозланган ходимларга эга бўлган ваколатли ташкилот ёки муассаса (3.11)

Изоҳ - Қутқарув хизматига фавқулодда вазиятлар тузилмалари (ўт ўчириш хизмати), тез ёрдам, қирғоқ кўрикчилари, ҳарбийлар, фуқаро муҳофазаси ёки қутқарувчилар киради.

3.13 хизматлар: Шахслар ёки бир гуруҳ шахсларга умумий фойдаланиш фаолиятига кўмак тақдим қилиш.

Изоҳ - Хизматлар одатда махсус қурилмаларни талаб қилса ҳам, баъзида уларсиз ҳам ишлаши мумкин.

3.14 таъминотчи: Маҳсулот ёки хизматни таклиф қилувчи ташкилот ёки шахс.

Изоҳ - Маҳсулот ва хизматлар имтиёзлар ва шартномаларни ўз ичига олади.

3.15 назорат минораси: Назорат нуқтаси. Тез қутқариши ёки одамларни хавфдан огоҳлантириши мумкин бўлган тайёргарликка эга ходимга пляж ва сув яхши кўринадиган пляждаги ёки пляж яқинидаги жой.

Изоҳ - Қутқарувчилар ва кўрикчилар ўқитилган ходимлар бўлади.

3.16 фойдаланувчилар: Пляжга дам олишга ёки ишлашга келадиган шахслар.

Изоҳ - Меҳмон, турист, ишчи ва маҳаллий аҳоли фойдаланувчи бўлиши мумкин.

4 Пляжларни бошқаришнинг умумий талаблари ва тавсиялари

4.1 Умумий қоидалар

Дунёнинг барча соҳиллари кўплаб кўнгилочар тадбирларни амалга оширишга бўлган талаб ортишига дуч келмоқда, ҳар йили соҳил майдонларига миллионлаб сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Туризм дунёда учинчи йирик саноат ва кўп ҳудудларда йирик иқтисодий тармоқдир. Натижада қирғоқ сувлари ва пляжлар ресурсларидан фойдаланишда рақобат ортиб бормоқда.

Пляж фаолияти турлари борган сари ортиб бормоқда: паракартингдан тортиб то оғир қайиқ спортгача, сузишдан то парусли қайиқда сузишгача, отда сайр қилишдан то барбекюгача. Кўпгина фаолият турлари, айниқса фаол иштирокни талаб қиладиганлари турли гуруҳ фойдаланувчилари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни олдини олиш мақсадида

бошқарувнинг маълум шаклини талаб қилади ва шу каби турли хилдаги тадбирларни амалга ошириш қийинчиликларни келтириб чиқаради. Фақат турли фойдаланувчилар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш эмас, балки маҳаллий аҳоли ва туристлар ўртасидаги фарқни ҳам ҳисобга олиш зарур. Маҳаллий аҳоли ва туристлар талаблари фарқ қилади, уларнинг эҳтиёжларини мувозанатлаштириш муваффақиятли фойдаланиш ва бошқаришнинг муҳим омилдир.

Пляжда фойдаланишни турли хиллари мавжуд, жумладан:

- дам олиш ва мароқли вақт ўтказиш;
- қирғоқларни муҳофаза қилиш;
- спорт мусобақалари;
- таълим тадбирлари, ижтимоий-маданий, диний ёки спорт машғулоти;
- табиатни асраш;
- балиқ овлаш ва чиғаноқ йиғиш;
- ҳарбий ҳаракатлар.

Пляжларда борган сари хавфсизлик ва кўриқлаш муҳим масалага айланиб бормоқда, эндиликда пляж операторлари ва маҳаллий ҳокимият инсонларнинг жисмоний хавфсизлиги ва табиатни муҳофаза қилишга катта аҳамият қаратмоқдалар.

Ҳар бир пляжга кириш осон эмас, лекин ҳамма пляжлардан фойдаланишга рухсат этилиши керак. Имкон қадар ҳамма пляж ускуналари ва жиҳозлари барча фойдаланувчилар учун айниқса муайян эҳтиёжли одамлар учун қулай бўлиши керак (масалан, белгиланган жойларга эга автотураргоҳлар, санитария хизматлари, биринчи ёрдам кўрсатиш хизмати, бар ва ресторанлар, пляжга киришдаги амалий ахборотлар).

4.2 Стандартга риоя қилишнинг афзалликлари

4.2.1 Афзалликлар

Ушбу стандарт билан боғлиқ барқарор манфаатлар мавжуд. Унинг туризм йўналишидаги қиймати фақат фойдаланувчилар учун пляж тажрибасини яхшилашда пляж операторларига ёрдам беришдан иборат эмас, балки умуман пляж курортлари ва маҳаллий соҳил ҳамжамиятини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан яхшилаш ҳамдир.

Ушбу стандарт қуйидагиларга йўналтирилган:

- а) пляжларни бошқариш масалаларида мустаҳкамлик ва ишончни таъминлаш;
- б) сиёсат, қонунчилик ва қирғоққа оид тартибга солиш доирасидаги пляж муаммоларини яққоллигини ошириш;
- с) миллий амалиётларни глобал тизимларга уйғунлаштириш;
- д) пляж хавфлари ва муаммоларини англашни ва маълумотларини яхшилаш;
- е) дам олиш ҳамда пляж ва қирғоқ сувларига киришга рухсат этилишини кўпайтириш;

- f) мониторинг ва баҳолашни рағбатлантириш;
- g) пляжда умумий экологик бошқарув тўғрисида маълумот бериш;
- h) жамиятни хабардорлигини ва барқарор ривожланишга мажбуриятни ошириш;
- i) пляжда атроф-муҳит муҳофазасига ҳисса қўшиш;
- j) миждозларнинг маълум жойга бўлган ишончини қозониш ва жойга бўлган туристик талабни ошириш, ўз-ўзидан ҳудудни иқтисодий ўсишини таъминлаш мақсадида сифатли хизмат кўрсатиш орқали туристик тажриба ва фойдаланувчилар қаноатланишини ошириш.

4.2.2 Хавфлар

Мавжуд тартибни сақлаб қолишнинг бир қанча хавфлари мавжуд, лекин қуйида келтирилган мисоллар каби пляжларни бошқаришдаги стандарт ёндашувда эмас:

- а) иқтисодий таъсир;
 - қўшни рақобатчига ютқизиш;
 - пляж туризмни ривожлантиришни қониқарсиз режалаштириш: атроф яхши кўкаламзорлаштирилмаган, сув ҳавзаси кўриниши, сифатсиз лойиҳалаштирилган қирғоқ муҳандислик иншоотлари;
 - туристик маҳсулотларга инвестициянинг қисқариши;
 - оммавий ахборот воситаларидаги салбий тасаввур;
 - заиф бошқариладиган объектлар ва ускуналар;
- б) ижтимоий оқибатлар:
 - фойдаланувчилар талабини қондирмаслик;
 - соғлиқ ва хавфсизлик: бахтсиз ҳодисалар ва касалликлар;
 - пляжда узокда яшовчи аҳоли: бахсли тушунчалар;
 - жиноий ва номақбул фаолият тўғрисида нуфуз;
 - режалаштиришни бошқаришдаги заифлик;
 - ифлосланиш.

4.3 Пляжни юритиш ва хавфларни бошқаришни ўзаро боғлаш

Ушбу стандартда мос келадиган пляж лойиҳаларини иқлим ўзгаришига мослаштириш ва офатлар хавфини камайтириш стратегияларини энг яхши усулда жорий қилишни кўриб чиқади. Масалан, иқлим ўзгариши ва шиддатли бўрон вақтида тошқин эҳтимоли кўпаяди, қирғоқда сув тошқини ва эрозия давом этади. Бироқ нарсалар соҳил бўйига яқин жойлаштирилганда (масалан, бинонинг сув сатҳи юқори бўлган жойга жуда яқинлиги) бу тез-тез юз бериб туради ва соҳил инфраструктураси зарар кўради. Биноларни расман тартибга солиш ва ривожлантириш устидан назорат йўқлиги муҳим масалалардан биридир, айниқса тегишли соҳил объектларини қуришга алоқадор бўлганда.

Биноларни тартибга солиш билан бирга, умуман олганда амалиёт кодекслари ишлаб чиқарувчиларга конкрет рекреацион ва сув пляж тадбирларини ишлаб чиқишга кўмак берувчи тарғиботни тавсия этилган усули ҳисобланади. Ҳар қандай тайёрланган амалиёт кодекси илмий асосланган бўлиши керак, шунинг учун далил ва /ёки фактларга асосланган қушимча

тадқиқотлар ўтказиш лозим бўлганда (яъни пляж хавфларини баҳолаш, 4.5 бандга қаранг) амалиёт кодексини ишлаб чиқиш олдидан талаб сифатида таъкидланиши керак.

Пляж оператори қуйидаги тавсияларни ўз ичига оладиган қоидалар жамланмасини ишлаб чиқиши керак:

- а) пляжга киришни лойиҳалаштириш бўйича қўлланма;
- б) пляж ускуналарини (қулайлик яратувчи хизматлар) қурилиши ва дизайни бўйича қўлланма;
- с) пляжнинг ривожланишини назорат қилиш;
- д) пляжларни сақлаш;
- е) пляжларда ҳудудлар ташкил этиш ва тартибга солиш;
- ф) жамоат кутқарув ускуналари ва объектларини жойлаштириш, уларга хизмат кўрсатиш ва бошқариш;
- г) пляж хавфсизлиги бўйича маълумотлар;
- ҳ) пляж бошқаруви ва унга хизмат кўрсатиш самарадорлиги.

4.4 Пляжга эгалик қилиш

Пляжда эгалик, жавобгарлик ва бошқа тартибга солиш чора-тадбирлари аниқ бўлиши керак. Агар пляж оммавий бўлса бу пляж оператори томонидан аниқ маълум қилинган бўлиши керак, ҳатто соҳил меҳмонхона олдида бўлса ҳам, бу (назарий жиҳатдан) фойдаланувчилар ҳар бир пляжга тез-тез келиб туришлари мумкинлигини билдиради.

4.5 Режалаштириш

4.5.1 Соғлиқ учун хавфларни аниқлаш

Пляж оператори фойдаланувчилар саломатлиги ва фаровонлигига таъсир этиши мумкин бўлган соғлиқ учун бевосита ва билвосита хавфларни аниқлаш пляжга доир фаолият, хизматлар, иншоотлар ва ресурслар учун ҳужжат билан расмийлаштирилган жараёни ҳар йили ташкил қилиши, янгилаб туриши ва кўриб чиқиши керак. Пляж фойдаланувчилари учун юзага келиши мумкин бўлган соғлиқ учун хавфларни идентификация қилиш қуйидаги хавфлар гуруҳини ўз ичига олиши керак:

- ичимлик суви таъминоти пунктлари;
- пляж юзасини тозаллиги;
- чўмиладиган сувнинг сифати (илғор миллий/халқаро усулларга мувофиқ ўлчанади, қайд этилади, намоёни қилинади (В иловага қаранг));
- санитария хавфлари билан боғлиқ бўлган сув кўтарилиши шартлари;
- сув тошқини, соҳилга оқава сув ва жисмларни тушиши, вақтинчалик сувнинг сифати тушишига олиб келувчи кучли ёмғирлар;
- пляжнинг жисмоний тавсифи (юза, антропоген тузилма, қоялар);
- қирғоқ эрозияси ва сув тошқини;
- сув хавзаси ҳаётини ўз ичига олувчи ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;
- пляжда кўрсатиладиган хизматларга боғлиқ қурилма ва ускуналар;
- хавфсизлик бўйича бирламчи маълумотлар ва огоҳлантиришлар.

Юқорида келтирилган рўйхатда акс эттирилган ҳар бир омилни қўллаш натижаси ҳар қандай ўтказилган баҳолаш натижаларини текшириш имконини берувчи объектив далилларга асосланган. Чўмиладиган сув сифати Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўрнатилган сифат кўрсаткичларига мувофиқ бўлиши керак.

4.5.2 Фавқулодда ҳолатларни режалаштириш

Пляж оператори:

а) фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ бўлган таъсир ва хавфларни олдини олиш ва зарарини камайтириш учун уларнинг аниқ режасини тузиши керак. Бу режа куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш учун ресурсларни аниқлаб олиш;

- мазкур ҳолатда амалга оширилиши керак бўлган ишларни аниқлаш ва белгилаш;

б) манфаатдор томонлардан фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш режасини олиш ва улар билан мувофиқлаштириш тизимларини яратиш;

с) фавқулодда режани амалга ошириш учун етарли ресурсларга эга бўлиш;

д) ҳар йили ўтказиладиган амалиёт машқларида фавқулодда режалар самарадорлигини текшириш ва қайд қилиб бориш, ҳалокат ёки фавқулодда ҳолат юз берганда мутаносиб тарзда уларни қайта кўриб чиқиш;

е) фавқулоддаги вазиятларнинг янгиланган режасини фавқулодда вазиятлар хизматлари текширувчиларига етказиш.

4.5.3 Пляжни юритиш, ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш

Қўлланиш доирасида белгиланганидек пляжни эксплуатация ва ташкиллаштириш режаси ўрнатилган бўлиши керак. У камида куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) чўмилиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган мавсумларни белгилаш;

б) чўмилиш вақтини аниқ белгилаган ҳолда турли мавсумларда пляжни юритиш ва ташкил қилиш;

с) чўмилиш ҳудудидан фойдаланиш ва ташкил қилиш (масалан чўкмайдиган белгилар (буйлар), моторли қайиқлар ва сузувчи платформалар);

д) кириш нуқталарини идентификация қилиш, фойдаланиш ва ташкил қилиш;

е) бирор фаолиятни амалга оширишда (барлар, очик ҳаводаги овқатланиш жойлари, тақиқлар, турли белгилар) миллий/махаллий қоидалар билан белгиланган шароитларни ҳисобга олиш;

ф) туристлар фойдаланиши учун ҳудудларга ажратишни ўрганиш ва пляж сиғими (А иловага қаранг).

Хизмат кўрсатишда пляж оператори:

- пляжда мавжуд инфратузилма яхши ҳолатда техник таъмирланганлигини (бошқа бирор функцияга қўшимча равишда) таъминлаш вазифаси юклатилган шахсни бириктириш;

- ушбу стандартда кўрсатилган сифат ва хизмат даражаларига эришиш учун белгиланган кўрсатмаларга риоя этилишини таъминлаш учун пляждаги барча ускуналарни сақлашни кафолатловчи таъминотчини белгилаш;

- пляжни тоза сақлаш;

- пляж курилма ва ускуналарини фойдаланиш учун соз ҳолда сақлаш ва уларни узоқ муддат тўғри ишлаши ва сақлаш учун зарур чоралар кўриш;

- курилма ва ускуналарини соз сақлаш бўйича техник хизмат кўрсатиш тадбирларини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш ва қайд қилиб бориш (имкон қадар, уларни тозалаш вақтида текширилиши ва асосий эътибор техник хизмат кўрсатишни профилактик тадбирларига қаратилиши керак).

Пляж фойдаланувчилари томонидан аниқланган ҳар қандай аномалиялар кўрсатиладиган хизматларни хавфсизлиги ва гигиенаси учун қулай шароит яратиш мақсадида баҳоланиши, таъмирланиши, зарур элементлар олиб ташланиши ёки алмаштирилиши керак.

Пляжда таъмир ишларини олиб борувчи барча ходимлар етарли даражада малакага эга бўлишлари ва пляж оператори улар ўз фаолиятини тўғри амалга ошира олишлари учун етарли ресурсларга эга эканликларига ишонч ҳосил қилишлари керак. Хизмат кўрсатувчи ходимлар пляж фойдаланувчилари билан алоқа ўрнатган ҳолда махсус униформа кийишлари ва осон таниш мумкин бўлиши ҳамда мижозлар билан хушмуомалалик қоидаларига амал қилиб муносабатда бўлишлари тушунтирилган бўлиши керак.

Пляж оператори хизмат кўрсатувчи ходимлар билан бирга кўрсатилаётган хизматлар ва фойдаланувчилар томонидан қабул қилинган қаноатланиш даражасини мониторинг қилиш учун керакли индикаторларни белгилаши керак.

Пляж оператори қуйидагиларни ичига оловчи хизмат кўрсатиш ва мониторинг режасига эга бўлиши керак:

- мобил ёки стационар курилмалар ва жиҳозларни инобатга олади;

- мақсадли фойдаланиш учун яхши ҳолатда бўлишини таъминлайди;

- уларни фойдаланувчиларнинг талабларига мослаштирилиши таъминлайди;

- созлаш жараёни ва изчиллигини ўз ичига олади (кунлик, ҳафталик, ойлик, йиллик тадбирлар);

- бажарилган амалларни текшириш жараёнини ўз ичига олади;

- ҳар бир пляждаги характерли экологик вазиятдан келиб чиқадиган шароитларни ўз ичига олади.

Профилактика ишларини пляжда фаоллик паст бўлганда ўтказиш афзал. Юқори фаоллик пайтида мажбурий сабабларга кўра ўтказиладиган тадбирлар (созлаш, тузатиш) эълон қилиниши ва муқобил хизматларни таклиф қилган ҳолда кўрсатилиши керак.

Малакали ходимлар ва моддий ресурслардан фойдаланган ҳолда қисқа муддатда ишдан чиққан ускунани фойдаланишга топшириш учун тузатувчи хизмат тизими ўрнатилиши керак. Пляж оператори созлаш вақтини

муаммонинг турига ва жиддийлигига кўра белгилаши керак.

Пляж оператори хизмат кўрсатишдаги ҳар қандай шахс қурилмаларни эксплуатацияси ва уларга хизмат кўрсатишда техник хизмат кўрсатиш хизматига мурожаат қилиши учун самарали алоқа тизимини яратиши керак. Шу билан бирга фойдаланувчиларнинг ҳар қандай ноаниқликларни етказиш учун етарли механизмларга эга бўлиши керак.

Назорат топшириқлари ҳам қайд қилиб борилиши керак.

4.6 Манфаатдор томонлар билан алоқа қилиш

Пляж оператори қуйидаги мақсадларда зарур алоқа каналларини ўрнатиши керак:

- а) фойдаланувчиларга тақдим этилаётган хизматлар ҳақида ва у хизматлар тақдим этилмайдиган вақтлар тўғрисида маълумот бериш;
- б) содир бўлиш эҳтимоли бор фавқулодда ҳолатлар ҳақида ҳам ваколатли органларга, ҳам фойдаланувчиларга хабар бериш;
- с) фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор гуруҳларнинг шикоят, таклиф ва маслаҳатларига жавоб бериш, муносабат билдириш;
- д) фойдаланувчиларга алоқадор бўлган қонунчилик ва тартибга солиш билан боғлиқ чекловлар тўғрисида маълумот бериш;
- е) сув сифати ва атроф-муҳит тўғрисида ахборотни тақдим этиш.

4.7 Пляжни тарғиб қилиш

Пляж оператори фойдаланувчилар учун хизматлар рўйхатини тузиши керак. У қуйидагиларга тегишли бўлган пляж фойдаланувчилари учун маълумотларни киритиши керак:

- а) таклиф этилаётган хизматлар;
- б) шикоят ва таклифлар қандай берилиши;
- с) пляж оператори томонидан белгиланган хизмат кўрсатиш индикаторлари ва бурчлари;
- д) соғлиқ ва хавфсизликка алоқадор хавфлар кўрсаткичи натижалари;
- е) экологик жиҳатларга алоқадор кўрсаткичлар натижалари;
- ф) жорий даврга белгиланган мақсадлар ва ўтган даврда уларга эришиш натижалари;
- г) нархлар ва очилиш вақти.

Энг муҳим хизматларнинг қисқача баёни, тўлиқ маълумотни қаердан олишни кўрсатган ҳолда жамоатчиликка тақдим этилиши керак.

Пляж оператори пляж ҳақидаги реклама маълумотлари тўғрисидаги тўлиқ ва аниқ маълумотларни таъминлаш учун бажарилиши керак бўлган ва шарҳлаш хатоларидан қочиш мақсадида мос механизмлар яратиши керак.

Маълумот маҳаллий расмий тилда берилиши керак. Қўшимча равишда маълумотлар пляж оператори томонидан белгиланган энг камида битта хорижий тилда берилиши керак (инглиз тилида берилиши афзал, инглиз тили давлат тили бўлган мамлакатлар бундан мустасно). Маълумот жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун ҳам тушунарли форматда бўлиши керак.

Қайси тарқатиш каналидан фойдаланиш, қанча муддатда янгилаб туриш ва эскирганда олиб ташлаш ишлари белгилаб қўйилиши керак.

4.8 Самарадорликни ўлчаш

Пляж оператори:

- пляж эволюцияси, атроф муҳитга таъсири, фойдаланувчилар соғлиғи ва қулайлиги ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифати тўғрисида маълумотларни берувчи кўрсаткичлар тизимини яратиши керак;

- чўмилиш мавсуми бошида ўрнатилган режалар бажарилганлигини таъминлаш, ҳамда хавфсизлик ва қутқариш низомидан четлашишлар ёки ноҳуш ҳодисалар сони ортиб кетганда пляж фойдаланувчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида керакли ўзгартиришлар киритиб бориш керак;

- мижозлар қаноатланишини ўлчаш воситаларини тақдим этиши керак.

4.9 Мижозлар қаноатланиши ва қайта алоқа жамламаси

Пляж оператори фойдаланувчилар томонидан юборилган шикоят ва таклифларга жавоб бериш учун тизимга, шунингдек уларни ҳал этиш бўйича йўриқномаларга эга бўлиши керак. Истеъмолчилар эҳтиёжини қаноатлантириш бўйича тадқиқотлар ҳар йили ўтказилиши керак. Ушбу тадқиқотлар натижалари солиштирилиши ва келгусида фойдаланишга қулай тарзда тақдим этилиши керак (масалан, ноҳуш ҳодисалар ҳақида йиллик ҳисоботларни расмийлаштириш).

5 Инфратузилма

5.1 Умумий қоидалар

Пляж операторлари қўлланиладиган миллий қурилиш ва қирғоқ қоидалари тўғрисида хабардор қилинган бўлиши ва С иловада келтирилган хизматлар ва инфратузилмага бўлган минимал талабларга риоя қилишлари керак.

Баъзи қирғоқ фаолиятлари қуйидагича тартибга солинади:

- қурилиш қоидалари ўзгаришларга мойил заиф қирғоқ чизиқлари учун жуда муҳим;

- хавфсизлик қоидалари алоҳида жойларга тааллуқли бўлган тегишли хавфсизлик чоралари кўрилишини таъминлайди.

Шахслар/компаниялар/ташкilotлар қуйидаги фаолият турлари бўйича ишларни амалга ошириши керак:

- қулайлик хизматларини кўрсатиш ва санитария шароитларини таъминлаш;

- умумий менежмент (мунтазам текширилиши ва тартибга солиниши керак);

- ходимлар билан машғулот ўтказиш.

5.2 Доимий инфратузилма

5.2.1 Санитария шароитлари

5.2.1.1 Умумий қоидалар

Қуйидаги санитария шароитлари мавжуд бўлиши керак:

- ҳожатхоналар;
- душ ва оёқ ювгичлар.

Пляж оператори ушбу санитария шароитларини яхши ишлашини таъминлайдиган, тоза ва шинам сақлайдиган шахсни тайинлаши керак (бошқа ҳар қандай функцияларга қўшимча равишда). Агар камчиликлар аниқланса улар етарли даражада ишлашини таъминлаш учун зарурий тузатиш чоралари қўлланилади.

Санитария шароитларини назорат қилиш тўғрисида қайдлар олиб борилиши ва сақланиши керак.

Мижозлар шикоятларидан келиб чиқадиган мижозлар қаноатланиши бўйича тадқиқотлар ва/ёки яхшилаш бўйича таклифлардан сўнг пляж оператори етказиб берувчиларга хизматларга доир келиб чиқиши мумкин бўлган эътирозларни етказиши керак.

Ҳожатхонадан чиқувчи ҳар қандай сув алоҳида қайта ишланиши ва чўмилиш ҳавзасига, унга қўшиладиган сувга тушмаслиги керак.

Пляждаги барча санитария шароитлари пляж иш вақти давомида фойдаланувчилар учун очиқ бўлиши керак. Фойдаланиш вақти пляж оператори томонидан белгилаб қўйилиши ва фойдаланувчиларга билдирилиши керак (иш вақти йил давомида ўзгаришини инобатга олган ҳолда).

Пляжнинг фаолият юритиш даврида жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун санитария шароитлари мавжуд бўлиши керак.

Санитария шароитлари тўғрисида маълумот пляжга асосий кириш жойларида кўрсатиб қўйилиши керак, пляж оператори томонидан белгиланган жойда харитада кўрсатилиши керак (6.1.5. га қаранг).

Санитария шароитлари дизайни жойлашган жойига қараб табиий ёки шаҳар муҳитига мос бўлиши керак.

Санитария шароитларига кирувчи қурилма ва ускуналар пляжнинг тозалик ва хизмат кўрсатиш режаларига киритилиши керак.

Санитария шароитларини кўрсатувчи барча ходимлар осон танилиши учун униформа кийишлари ва мижозларга ғамхўрлик кўрсатиш учун хушмуомалалик қоидаларини билишлари керак.

Пляж оператори хизматлар ва мижозлар қаноатланиши даражасини таҳлил қилиб бориш мақсадида керакли кўрсаткичларни белгилаб қўйиши керак.

5.2.1.2 Ҳожатхоналар

Пляж сифимидан келиб чиқиб (ташкilot режасида белгиланади) фойдаланувчилар эҳтиёжини қаноатлантириш учун етарли миқдорда ҳожатхоналар ташкил қилиниши керак.

Ҳожатхоналар қуйидаги жиҳоз ва қурилмаларга эга бўлиши керак:

- a) унитаз;
- b) мустаҳкам ва сирпанмайдиган пол;

с) қопқоқли ахлат қутиси;
 d) ҳожатхона қоғози;
 е) илгак;
 f) табиий ёки сунъий вентиляция;
 g) гигиеник ювиш учун бет қўл ювгич, имкон бўлса дезинфекция сууюқлиги билан.

Пляжда рухсат этилган бўлса, камида битта жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун ҳожатхона бўлиши керак.

5.2.1.3 Душ ва оёқ ювгичлар

Пляжда тоза сувли душ бўлиши керак.

Барча жойда оёқ ювгичлар ҳам бўлиши керак.

Душ ва оёқ ювгичларда сув етарли бўлиши керак.

Пляж сифимидан келиб чиқиб ушбу хизматга бўлган талабни қондириш учун етарли даражада душлар ва оёқ ювгичлар бўлиши керак.

Душ ва оёқ ювгичлар сув тежовчи ва оқава учун керакли жиҳозлар билан таъминланиши керак.

Душ ва оёқ ювгичдан фойдаланишдаги тақиқлар ва тавсиялар кўрсатиб қўйилиши керак:

- а) совундан фойдаланиш;
- б) сувни исроф қилмаслик;
- с) ичиш мумкин бўлмаган сувни ишлатиш.

Душ ва оёқ ювгичлар платформада бўлса унинг юзаси сув оқиб кетиши учун кумдан юқори бўлиши керак. Юза тоза ва замбуруғлардан ҳоли бўлиши керак. Агар улар кумда жойлашган бўлса атрофдаги кумларда ўсимликлар ўсиб кетмаслигини назорат қилиш керак.

Иккала ҳолатда ҳам атроф муҳитда сув йиғилишини олдини олиш керак.

Пляжда рухсат этилган бўлса, жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун душ ва оёқ ювгич бўлиши керак.

5.2.2 Ичимлик суви

Агар ичимлик суви ташкил қилинган бўлса, у ҳайвонлар келтириб чиқарадиган хавфларни олдини олиш учун санитария-гигиеник муҳофаза қилинган бўлиши керак.

Пляжда рухсат этилган бўлса, жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун сув таъминоти нуқтаси бўлиши керак.

Ичимлик суви таъминоти пунктлари сувни тежаш курилмаларига эга бўлиши ва фойдаланувчилар учун сув ресурсларини тежаш қоидалари тушунтириб қўйилиши керак (6.1.4. га қаранг).

5.2.3 Шкафлар ва кийим алмаштириш жойлари

Кийим алмаштириш жойлари мавжуд бўлса, улар:

- сирпанмайдиган полга эга бўлиши;
- илгакларга эга бўлиши;

- табиий ёки сунъий вентиляцияга эга бўлиши;
- ўриндиқ ёки скамейкаларга эга бўлиши керак.

Кийим алмаштириш жойлари кириш жойларига яқин бўлиши керак.

Агар қулфланадиган шкафлар хизмати мавжуд бўлса фойдаланувчилар шахсий нарсаларини қолдиришга рухсат берилиши керак. Қулфланадиган шкафлар дизайни улар жойлашган шаҳар ёки табиий ҳудудга мос бўлиши керак.

5.3 Вақтинчалик инфратузилма

5.3.1 Пляж соя жойлари

Пляж фойдаланувчиларни қуёшдан ҳимоя қилиш учун соя жой ташкил қилиб қўйиши керак. Имкон бўлганда табиий ёндашувни туристлар ва маҳаллий фойдаланувчилар афзал билишади. Қўпроқ маълумот учун D иловага қаранг.

5.3.2 Пляж инфратузилмаси

Пляж инфратузилмаси пляж кроватлари, ҳожатхоналар, душлар ва кузатув минораларидан иборат бўлиши мумкин. Улар табиий ва ташкил қилинган муҳит билан уйғун бўлиши ҳамда экологик ва эстетик мезонларга жавоб бериши керак.

Пляж инфратузилмаси фойдаланиш учун хавфсизлигига ишонч ҳосил қилиш учун мунтазам равишда таъмирлаб ва текшириб турилиши керак.

Пляж оператори энг камида қуйидагиларни текшириб туриши керак:

- жиҳозлар тозалиги;
- жиҳозларни хизмат кўрсатиш хусусияти;
- ускуналар ва инфратузилмани сақлаш учун ишлатиладиган бўёқ ва бошқа материалларни атроф муҳитга таъсири;
- ускуналарни бузилиши ва ишдан чиқиши билан боғлиқ ҳар қандай потенциал хавф.

Имкон қадар экологик маҳсулотлардан фойдаланиш керак.

5.4 Пляжга кириш

5.4.1 Умумий қоидалар

Пляж оператори пляжга кирувчи ҳар қандай транспорт кириши учун ҳамда қулай тарзда фойдаланиш учун шароит яратиши керак. Натижалар, доимий такомиллаштириб бориш учун қайд қилиниши ва таҳлил қилиниши керак.

- a) барча пляжларга кириш учун қулай шароит яратиш керак;
- b) агар пляж “жамоатчилик учун” деб тоифаланган бўлса у ҳолда пляж оператори томонидан маълум қилиниши керак;
- c) жамоат пляжларига кириш бепул бўлиши керак бўлса ҳам, баъзи пляжларга кириш асосли тарзда пуллик бўлиши мумкин;
- d) пляжга кириш йўллари доим бўш, тоза ва тартибга келтириб турилиши керак;
- e) пляжнинг асосий қисми транспорт крмайдиган ҳудуд сифатида

белгилаб қўйилиши керак. Транспортлар (махсус транспортлардан ташқари) пляж ҳудудига киритилмаслиги керак. Пляж оператори транспортларни автомобиллар тўхташ жойига қўйилишини режалаштириши керак.

Пляж оператори, кириш нуқталари ва жойлари ушбу стандартда белгиланган сифат даражасида сақланишини таъминлаши керак.

Пляж оператори, улар фойдаланиш учун яхши ҳолатда сақланаётганини кафолатлаш учун назорат бўйича зарур вазифаларни бажариши ва қурилмалар ҳолатини қайд қилиб бориши керак.

5.4.2 Киришнинг умумий талаблари

Жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар пляжга кириши қулай бўлиши учун махсус пандуслар ўрнатилиши керак.

Кириш рухсат этилган бўлса, жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун қуруқ юзага, чўмилиш жойларига киришлари ва бошқа барча қурилма ва ускуналардан фойдаланишлари учун шароит яратилиши керак.

Маҳаллий миқёсда рухсат этилганда пляжга киришга белгилар қўйилиши ва ISO 7001 график рамзлари ўрнатилиши керак.

5.4.3 Автомобиллар тураргоҳи

Автомобил тураргоҳлари мавжуд бўлган пляжларда улар эксплуатация қилиш учун тегишли шароитларда сақланиши ва яхши ҳолатда бўлиши керак. Бирор камчилик аниқланганда тураргоҳ ходимиға хабар қилинади.

Тураргоҳларда жисмоний имконияти чекланган шахслар учун жой ажратилиши керак.

5.4.4 Транспорт киришига тақиқлар

Пляж ҳудудига рухсатсиз кириш, кемпинг қуриш ва ахлат ташлаш тақиқланган бўлиши керак. Пляжда кўрсатилган тақиқлар ҳақида маълумот бўлиши керак. Тозалик ва хавфсизлик мақсадида фойдаланиладиган транспортлардан (масалан кутқарув ускуналарини ташувчи ёки тез ёрдам транспортлари) бошқа транспортлар пляж ҳудудига кириши рухсат этилмаслиги керак. Транспорт киришини бутунлай тақиқлаш мумкин бўлмаган ҳолатлар асосланиши ва тўғри бошқарилиши керак. Транспорт ҳаракатланадиган ва тураргоҳ майдонлари ҳамда транспорт кирмайдиган ҳудудлар белгилаб қўйилиши ва вазият тақозо қилганда ички ишлар ходимлари ёки пляж ички ҳаракат назорати ташкил қилиниши керак. Агар транспорт воситаларига рухсат этилса уларни ҳар қандай вақтда юқори сув зоналарига кириши тақиқланади. Пляжнинг асосий қисми транспортсиз ҳудуд қилиб белгиланиши керак.

Пляжга транспорт воситаларини киришини олдини олувчи жисмоний тўсиқлар бўлмаган тақдирда ҳамда рухсатсиз кириш, кемпинг, ахлат ташлаш ҳолатлари юз берганда бу ҳолатни бартараф этиш керак.

Пляж ва унга туташ ҳудудлардан ахлат ва чиқинди ташлаш учун

фойдаланмаслик керак. Пляжда транспорт воситасидан фойдаланишни назарда тутувчи махсус тадбирлар амалга оширилганда экотизимга зарар етказмаслик, шунингдек пляж фойдаланувчилари учун хавфларни олдини олиш мақсадида махсус бошқарув режаси тузилади ва қўлланилади. Фавқулодда ҳолатлар учун транспортлар тураргоҳи имкон қадар пляжга яқин бўлиши керак. Зарур бўлганда сифат даражасини пасаймаслигини таъминлаш учун қўшимча ресурслар (масалан, тозалаш ходимлари, кўчма хожатхона) келтирилиши керак.

6 Хизматларни тақдим этиш

6.1 Ахборот хизматлари

6.1.1 Пляжда кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида ахборот

Пляж оператори мижозлар керакли тарзда пляждан хавфсиз ва қулай фойдаланишга тааллуқли барча маълумотлардан хабардор бўлишларини таъминловчи шахсни (бошқа асосий ишидан ташқари) тайинлаши керак. Бу маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- пляж фаолияти маълумотлари;
- бошқариш қоидалари;
- хавфсизлик;
- санитария, тиббий ва экологик муаммолар.

Ахборотлар маълумотлар тахтачаси, туристлар маълумотлари, байроқлар ва пляж фойдаланувчилари учун тушунарли бўлган ҳар қандай воситалар орқали етказилиши керак.

Пляж оператори пляж фойдаланувчиларига чўмилиш мавсуми давомийлиги ва пляжнинг юқори фаоллик даври (фойдаланувчилар энг кўп бўлган вақт) тўғрисида маълумотларни етказиши керак.

Пляж оператори чўмилиш мавсумида ва бошқа вақтда кўрсатиладиган минимал хизматлар рўйхатини белгилаб олиши ва фойдаланувчиларни хабардор қилиши керак.

Барча кўрсатиладиган хизматлар учун жадвал ҳамда мижозлар учун фойдаланиш ва кириш шартлари, жумладан ҳар қандай қўлланиладиган тарифлар кўрсатиб қўйилиши керак.

Пляжда кўрсатиладиган барча пуллик хизматларни нархи кўрсатилган ва фойдаланувчилар учун аниқ кўринадиган қилиб жойлаштирилиши керак.

Пляж оператори барча белгиларнинг услуби ва дизайнини уйғунлаштириши керак.

Пляж оператори пляж фойдаланувчиларига тақдим этиладиган маълумотларни тўлиқ бўлиши ва янгиланиб туриши ҳамда кўп ишлатиладиган тилларда берилишини таъминлаши керак.

Мижозлар билан мулоқот қилувчи ходим янги хизмат тури ташкил этилганда, ёки бирор хизмат шартлари ўзгарганда бу маълумотларни пляж фойдаланувчиларига етказиши керак.

Пляж оператори томонидан белгиланган барча кириш жойларида объектлар ва кўрсатиладиган хизматлар харитаси мавжуд бўлиши керак.

Харитада кўрсатилган маълумотлар энг камида қуйидаги жиҳатларни ўз

ичига олиши керак:

- а) кириш жойлари (мавжуд бўлганда жисмоний имконияти чекланган шахслар учун кириш жойлари);
- б) кўрсатиладиган турли хизматлар жойлашуви;
- с) кўрсатиладиган хизматларни мавсумий саналари ва вақти;
- д) пляждаги ахлоқ қоидалари;
- е) хавфсизлик тўғрисида маълумотлар;
- ф) санитария ва экологик ахборот;
- г) ҳожатхоналар жойлашуви.

Маълумот тизимида ахборот воситаларининг бошқа шаклларига қўшимча равишда ISO 7001 га мувофиқ график белгилардан фойдаланиш керак.

6.1.2 Турист учун маълумот

Пляжда туристлар учун қизиқ бўлиши мумкин бўлган маҳаллий ва атрофдаги ҳудудлар тўғрисида ахборотларни берадиган маълумотлар бюроси мавжуд бўлиши керак.

Фойдаланувчилар пляж майдонида содир бўладиган барча тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор қилиниши керак. Буни плакат ёки бошқа маълумот кўринишида, зарур бўлганда маҳаллий оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ҳокимият органлари веб сайтларида жойлаштириш орқали амалга ошириш мумкин.

Маълумотларни кўрсатувчи хабарнома (масалан тадбир тафсилотлари, давомийлиги, қўшимча маълумот олиш ва қаерга шикоят қилиш мумкинлиги) пляжга илиб қўйилиши керак.

6.1.3 Ахлоқ қоидалари тўғрисида маълумот

Пляж ахлоқ қоидалари тўғрисида маълумот пляжга кириш қисмида жойлаштирилиши керак. Турли миллатларга тушунарли бўлиши учун маълумот берилганда график рамзлардан фойдаланиш керак.

Пляж оператори камида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиши керак:

- ҳайвонларни киритиш;
- нудизм;
- чиқинди ва контейнерларни рухсат этилмаган жойда сақлаш;
- кемпинг;
- қайиқ тўхташ жойи;
- рухсат этилмаган транспорт воситалари;
- душдан ташқарида ювиниш воситаларидан фойдаланиш;
- фойдаланувчиларга ҳалақит берувчи бошқа ҳаракатлар (масалан, шовқин, рухсат этилмаган спорт турлари);
- экологик таъсирчан жойлар;
- фаолият турларини чегаралаш.

6.1.4 Хавфсизлик тўғрисида маълумотлар

Пляжга асосий кириш жойларида кутқарув хизмати ва фойдаланувчилар саломатлигига тегишли маълумотларни ичига олувчи маълумотлар тахтакчаси бўлиши керак.

Маълумотлар тахтакчаси камида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- пляж харитаси ёки режаси;
- назорат қилинадиган чўмилиш ҳудуди;
- байроқлар ва уларнинг маъноси;
- хавфсизлик, кузатув ва кутқарув хизматларини жойлашуви;
- ҳалокат хизмати диспетчери билан алоқа усуллари;
- кутқарув хизматидан фойдаланишни мавсумий кунлари ва вақтлари;
- биринчи ёрдам хизмати ва фавқулодда ҳолатлар телефонининг жойлашган жойи.

Агар пляж ёки унинг бирон бир қисми ёпиқ ёки чекланган бўлса, пляж фойдаланувчиларига бу ҳақида маълум қилиш керак.

Изоҳ - Санитария ва экологик ахборот билан боғлиқ белгилар бўйича батафсил маълумотлар ISO 20712-3 стандартида келтирилган.

6.1.5 Санитария/экологик маълумотлар

Пляжга асосий кириш жойларида қуйидагилар билан боғлиқ маълумотлар бўлиши керак:

- а) чўмилиш қисмидан олинган сув таҳлили натижалари;
- б) юзага келиши мумкин бўлган санитария хавфлари ва уларни олдини олиш йўллари;
- с) пляж ёки унга туташ ҳудудларда экологик таъсирчан ҳудудлар.

6.2 Пляж хавфсизлик хизмати

6.2.1 Умумий қоидалар

Ушбу бўлимдаги маълумотлар фойдаланувчи хавфсизлигига тегишли бўлса ҳам, хавфсизликнинг умумий тамойилларининг кўпчилиги ходимлар хавфсизлигига алоқадор бўлиши мумкин.

Пляж оператори фойдаланувчиларнинг шикастланиш хавфини ёки чўкиб кетишларни камайтиришга доир тадбирларни амалга ошириши керак. Хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳолатни яхшилашнинг қуйидаги тадбирларини ҳисобга олувчи маҳаллий режалар ишлаб чиқиши керак:

- таълим ва ахборот;
- киришни тақиқлаш ва/ёки огоҳлантириш бериш;
- кутқарув ускуналари билан таъминлаш ва уларни назорат қилиш;
- кутқариш ва омон қолиш малакаларини олиш.

Биргаликда ушбу чоралар чўкишни олдини олиш стратегиясини ташкил қилиши мумкин.

Пляж оператори пляжда ҳар қандай хавфсизлик хизматини жорий қилишдан олдин пляж хавфларини тўлиқ баҳолаши керак. Хавфни баҳолаш вақтида пляж оператори масъул бўлган пляжнинг маълум ҳудуди учун, белгиланган хавфсизликни назорат қилиш бўйича тегишли чоралар қўрилиши

керак.

Хавфни баҳолашдан мақсад:

а) потенциал хавфсизлик муаммоларини тўғри тушунилганини таъминлаш;

б) мавжуд назорат тадбирлари етарли эканлигини текшириш (жумладан фавқулодда ҳолатлардаги ҳаракатлар режаси);

с) хавфлар даражасини энг минимумга тушириш учун қилинадиган ишларни белгилаш;

д) баҳолашда аниқланадиган ножоиз хавфларнинг афзаллигини белгилаш ва кейинги ҳаракатларни аниқлаш.

Хавфларни баҳолаш O‘z DSt ISO 31000 ва O‘z DSt ISO 31010 га мувофик бўлиши ва улардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Пляж хавфсизлиги хизматлари пляж хавфини баҳолаш натижасида аниқланиши ва амалга оширилиши керак. Хавфларни баҳолаш бўйича малакали мутахассис ҳар йили хавфларни баҳоланишини кўриб чиқиши керак.

Хавфларни баҳолаш натижалари бўйича аниқланган назорат чоралари қуйидаги кичик бўлимлар бўйича тақсимланади:

- ижтимоий таълим;
- белгилаш ва чегаралаш;
- қутқарувчилар, пляж хавфсизлиги байроқлари ва биринчи ёрдам хизматлари;

- жамоат қутқарув ускуналари;
- пляжни эвакуация қилиш ва ёпиш.

Нazorat ўлчовлари ҳар бир жой учун ўзига хосдир ва ҳар бир пляж учун маҳаллий хавфларни ва бошқарув маълумотларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал хавфларни баҳолаш керак.

Пляж оператори шахсларнинг йўқолиши ва топилишига доир мувофиқлаштириш ва чора кўриш тартибини белгилаши керак (Е иловага қаранг).

Пляж оператори плаждаги хавфсизлик қоидаларига нисбатан кўрсатилаётган хизматлар сифати (ушбу стандартда белгиланган) сақлаб турилиши, назорат қилиниши ва таҳлил қилинишини таъминлаши керак.

6.2.2 Умумий талаблар

Пляж хавфсизлиги бўйича хизматлар хавф-хатарларни баҳолаш воситасида белгиланган вақт ва жойларда тақдим этилиши керак. Пляж оператори фойдаланувчиларни зарур ҳимоя қопламаси билан таъминлаши керак.

Фойдаланувчиларга пляж хавфсизлиги бўйича маълумот улар жойлашган жойи ва вақти билан берилиши керак. Хабарномалар хорижий фойдаланувчилар ва бошқа тилларни, шунингдек жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларни ҳисобга олган ҳолда асосий кириш қисмида ва жойларида акс эттирилиши керак.

Пляжда хавфсизлик хизматини кўрсатадиган ходимлар махсус кийимда

ва танилиши осон бўлиши ҳамда тегишли идоралар, пляж эгалари ва/ёки халқаро тан олинган раҳбарий тамойиллар асосида ўрнатилган, мижозлар эътибори учун ахлоқ қоидалари тўғрисида хабардор қилинган бўлиши керак.

Изоҳ - Кўпгина давлатлардаги халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда қутқарув хизмати ходимлари пляж фойдаланувчилари уларни осон танишлари учун кизил ва сарик рангли униформа кийишади.

Ресурслар, жараёнлар ва ҳаракатлар режаси аниқланиши ва ҳужжатлаштирилиши керак.

Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш тартиб-қоидалари бўлиши керак. Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш режасини синовдан ўтказиш мақсадида йилда камида бир марта машғулот ўтказиш ва тегишли ёзувларни сақлаб қўйиш керак.

Тегисли идоралар талабидан келиб чиқиб пляж оператори пляж хавфсизлиги билан шуғулланувчи ташкилотлар ва пляжни бошқариш билан шуғулланувчи ходимлар ўртасида етарлича алоқа ўрнатилишини таъминлаши керак.

Ушбу алоқани ўрнатиш учун етарлича алоқа тизимлари/жиҳозлари зарур.

6.2.3 Хавфларни режалаштириш ва мониторинг қилиш

Пляж оператори тегишли идора томонидан маъқулланган қўйидаги ҳужжатларга эга бўлиши керак:

- чўмилиш мавсуми даврида ҳаракатлар режаси;
- маълум чўмилиш мавсумидан ташқари вақтдаги умумий операциялар бўйича хавфсизлик режаси.

Режалаштириш қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- a) мавжуд хавфсизлик ресурслари ва чора кўриш вақти;
- b) кузатув жараёни;
- c) қутқарув хизмати ва/ёки бошқа хавфсизлик гуруҳлари (ички ишлар органлари, соҳил кўрикчилари, қутқарувчилар, тез ёрдам хизмати) билан алоқа ва мувофиқлаштириш воситалари;
- d) махсус тадбирлар учун фавқулодда чоралар (масалан, хавфли сув ҳавзаси жонзотлари ёки зарарли сув ҳавзаси шароити);
- e) фавқулодда вазиятларда эвакуация маршрутлари ва пляжни ёпиш жараёни;
- f) хавф-хатарга боғлиқ бўлган атроф-муҳитга тегишли оқибатларнинг таъсири;
- g) сув ҳавзаси ҳаётини хавфли омилларини аниқлаш;
- h) барча ҳодисалар ва уларга кўрилган чоралар тўғрисида ёзувлар;
- i) пляж хавфини баҳолашда идентификация қилинган хавфлар билан боғлиқ бошқа режалар.

Кузатув жараёни танқидий жиҳатларга эътибор қаратилган ҳолда олиб борилиши керак (масалан, махсус ҳодисалар, кўп сонли фойдаланувчилар бор жойлар ёки низоли фаолият).

Изоҳ - Пляждаги ҳодисага муносабат билдириш вақти - ўқитилган ходим томонидан

ҳодиса жойи ўрганилаётган вақтда ваколатли органга хабар бериш вақтигача чоралар кўриш оралиғи.

6.2.4 Назорат чоралари

Пляжларда хавфларни баҳолаш ёрдамида 6.2.6 банддаги назорат чоралари аниқланиши керак. Назорат чораларини таҳлил қилиш ва кузатиш, ҳамда зарур бўлганда қайта кўриб чиқиш муҳим.

6.2.5 Белгилар, байроқлар ва зоналаш

6.2.5.1 Белгилар

Белгилар сув муҳитида ҳодисалар сони ва уларнинг жиддийлигини камайтиришга йўналтирилган умумий таълим дастурида муҳим рол ўйнайди.

Белгилар тизими жамоатчилик учун муҳим хабарларни етказди. Бу хабарлар 3 тоифага бўлинади:

а) маълум фаолият турлари тақиқланганлиги ёки ахборотларга амал қилиш мажбурий эканлиги (тақиқлар/мажбурий белгилар);

б) фойдаланувчиларни хавфли, яширин хавфли вазият ёки хавфли муҳит ҳақида огоҳлантирувчи хабарлар (огоҳлантирувчи/хавфсизлик белгилари);

с) йўналиш ёки умумий маълумот берувчи, жойлашган жойни кўрсатувчи хабарлар (жамоатчилик маълумоти белгилари).

Маҳаллий даражада рухсат этилган бўлса пляж оператори ISO 20712-1 ва ISO 20712-3 га амал қилиши керак.

Фойдаланувчиларга хавфсизлик ва жамоатчиликка тегишли ахборотни етказиб бериш учун хавфни баҳолаш натижаларига мувофиқ, самарали ва мос келувчи тизимни харид қилиши ва ўрнатиши керак.

6.2.5.2 Байроқлар

Пляж хавфсизлик байроқлари қутқарувчилар ишлайдиган жойларда ўрнатилади.

Маҳаллий даражада рухсат этилган бўлса, пляж оператори ISO 20712-2 ва ISO 20712-3 га амал қилиши керак.

6.2.5.3 Фаолият жойини зоналаш (чегаралаш)

Пляж фойдаланувчилари хавфсизлигига таҳдид солмасдан ўз вақтларидан баҳраманд бўлишларини таъминлаш учун махсус қалқиб турувчи бакенлар (чегара) бўлиши керак. Зоналар одатда чегараланган ҳудудда, сув ҳавзалари ва кемалар (ёки бошқа фойдаланувчилар) бўлган ва яширин хавфли тўқнашувлар юзага келиши мумкин бўлган соҳаларда (1-расмга қаранг) турли хил фойдаланувчилар гуруҳларини ёнма-ён мавжуд бўлиши учун ишлатилади.

Зоналарни белгилаш бакенлар ёрдамида амалга оширилади, чўмилиш мумкин бўлган ҳудудларни белгилайди. Тадбирга бутун пляжни белгилаш тавсия этилмайди. Пляж барқарорлигига шунингдек ҳар қандай ҳодисалар ва/ёки пляжда объектлар қурилишига алоқадор экологик, қурилиш нормалари ҳам таъсир қилиши мумкин. Бунга атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ёки бу

ходисани табиий муҳитга таъсири бўйича экологик ҳисобот тайёрлаш имконини беради, бу ҳолатда ҳудуддаги тегишли табиатни муҳофаза қилувчи идоралар рухсати керак бўлади.

Пляжлар ва пляжлар акваторияси куйидаги талабларга жавоб бериши:

- Пляж акваториясида сузиш масофаси қирғоқдан 50 m гача, бироқ чуқурлиги 3 m дан ортиқ бўлмаган қизил ёки тўқ қизил рангдаги буйлар (сувда саёзлик, йўл ва шу кабиларни кўрсатадиган қалқувчи белгилар) билан белгиланган бўлиши керак.

- Кичик ҳажмли кемаларга уларнинг тўхташ жойлари, портлар, аҳоли турар жойлари чегараларида 30 km соатгача тезликда, пляжлар ва аҳолининг оммавий дам олиш жойларида 10 km соатдан ортиқ бўлмаган тезликда ҳаракат қилишга рухсат этилади.

- Пляж билан чегара ҳудудларда кичик ҳажмли кемалар сузиши тақиқланган жойларни кўрсатувчи навигация белгилари билан жиҳозланган бўлиши, маълумот берувчи белгилар (тақиқловчи, огоҳлантирувчи, ёзувли) билан таъминланиши лозим.


Чўмилувчилар хавфсизлиги манфаатидан келиб чиқиб, пляж бўйлаб чўмилиш жойлари зоналаб чиқиши керак. Чўмилиш майдони камида 100 m кенгликда ва 50 m гача сув ҳавзасига кирган бўлиши керак. Сув кўтарилиши шароитларини ҳисобга олиш керак.

Агар ҳудуд кемаларни жўнатиш ва соҳил чизигига қайтишга мос деб тавсифланган бўлса, бу ҳудуд бакенлар билан белгиланиши керак. Бакенлар билан белгиланган йўлак кемалар хавфсиз ҳаракатланиши учун соҳилдан 100 m узоқликда ва камида 30 m кенгликда бўлиши керак.

Сув кўтарилиши ва кемаларни сувга тушириш шартлари масаласини кўриб чиқиш керак (масалан сирпаниш).

Сув ҳавзаси фаолияти сув ҳавзасига биттадан кўп жойда чиқишни талаб қилса пляж оператори заруратни баҳолаши ва мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган мурожаатларни қилиши керак.

Бакенлар сузувчи линия билан қотирилиши ва сариқ рангга бўялган бўлиши керак. Сузувчи тизим сув ҳавзаси қарига лангар билан маҳкамланиши ва чигаллашмаслиги керак. Бакенлар орасидаги масофа 2 m дан кўп бўлмаслиги керак. Бакенларни ўрнатишга мисол 1-расмда келтирилган.



1-расм. Бакенлар ўрнатилган чўмилиш ҳудуди ва қайиқда сузиш канали

6.2.6 Қутқарувчилар ва биринчи ёрдам хизматлари

6.2.6.1 Қутқарувчилар

Хавфларни баҳолашда келтирилгани каби қутқарув хизмати тегишли тайёргарликдан ўтган ва қутқариш учун етарли ресурсларга эга ходимлар томонидан кўрсатилиши керак. Жамоа ҳодиса тўғрисида хабар келиб тушгандан сўнг 4 дақиқадан кам вақтда дарҳол ёрдамга етиб келиши керак.

Камида қуйидаги хизматлар кўрсатилиши керак:

- кузатув функцияси, қийин вазиятдаги шахсни қутқариш ва ёрдам кўрсатиш;
- сузувчилар/пляж фойдаланувчилари хавфсизлигини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш учун фаол ёндашув татбиқ қилиниши;
- белгиланган хавфсизлик чораларини қўллашни бошқариш;
- қирғоқ аҳолиси ва сувдан фойдаланувчилар ўртасида ҳар қандай низоларни мониторинг қилиш ва самарали бошқариш;
- маҳаллий қонунлар ва/ёки қоидаларга риоя қилинишини мониторинг қилиш ва таъминлаш ва/ёки тегишли органларга хабар бериш;
- чўмилиш учун мўлжалланган жойларда фойдаланувчиларга хавф соладиган тадбирларни ўтказмаслик;
- фойдаланувчиларга хавф туғдирадиган ҳар қандай фаолиятни бошқариш.

Пляжда қуйидаги ходимлар мавжуд бўлиши керак:

- хизматларни мувофиқлаштирувчи (бошқа пляжлар/мажбуриятлар билан бирга олиб борилиши мумкин);
- хавфларни баҳолаш натижасига кўра қутқарувчилар (қутқарувчиларга бошқа мажбуриятлар юкланмаслиги керак).

Маҳаллий рухсат этилган бўлса, хавфларни баҳолашда аниқлангани каби пляжда қуйидаги жиҳозлар бўлиши керак:

- а) ҳар бир назорат пунктлари ва бошқа белгиланган ҳудудларни

белгилаш учун қизил ва сариқ байроқчалар;

b) биринчи ёрдам жиҳозлари;

c) алоқа воситалари;

d) дурбин, тахтача, ҳуштак ва лозим бўлиши мумкин бўлган бошқа қутқарув ускуналари;

e) хавфларни баҳолашда кўрсатилгани каби тегишли масофада/жойда ўрнатилган, радио, мобил алоқа ёки бошқа электрон воситалар билан боғланган, қутқарув қайиқлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлар билан таъминланган кузатув миноралари;

f) тезкор чора кўришни таъминлаш учун етарли даражада қутқарув қайиқлари.

Ҳалокат ва кечиктирилмайдиган ёрдам аъзоси бўлган ҳар бир ходим эгаллаб турган лавозими учун минимал малакага эга бўлиши керак. Бу малакалар улар бажарадиган ишидан келиб чиқади ва пляж операторига тақдим этилиши керак.

Пляж оператори хизматларни ривожлантириш билан боғлиқ аниқ маълумотларни сақлаб қўйиши керак. Бу кўрилган чораларни кунлик қайд этишни талаб этади. Кун давомидаги тадбирларга хизматдаги ходимлар, сарф қилинган ресурслар, бахтсиз ҳодисалар ва кун мобайнида ишлатиладиган байроқлар киради. Олинган маълумотлар хизматларни доимий баҳолаб бориш имконини беради.

6.2.6.2 Биринчи ёрдам хизматлари

Йилнинг қайси вақти эканлиги, пляж тури ва хавфлилик даражасидан келиб чиқиб фойдаланувчилар лозим даражада тиббий ёрдам олишлари учун (биринчи ёрдам, парваришlash ёки назорат қилиш) етарли миқдорда тиббий пунктлар яратилиши керак.

Биринчи ёрдам пунктлари қутқарувчилар ёки мустақил биринчи ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар томонидан кўрсатилиши мумкин.

Ҳар бир тиббий пунктда малакали ходим бўлиши керак, хавфларни баҳолашга мувофиқ пляж фойдаланувчилари етарли тиббий ёрдам билан таъминланиши керак. Ҳар бир пляжда қутқарув режасида кўрсатилганидек етарли миқдорда биринчи ёрдам воситалари бўлиши керак.

Бемор тиббий пунктга келтирилганда, энг камида қуйидагиларни қайд қилиш тавсия қилинади:

a) беморни таърифлаш;

b) беморни кўздан кечириш;

c) қўлланиладиган даволаш;

d) келиб чиқиши ва кейинги ҳулоса;

e) кўрсатилган хизматнинг куни ва вақти;

f) даволовчи тиббий ходимнинг маълумотлари.

Ҳужжатлар пляж оператори учун махфий ва мавжуд бўлиши, ҳамда авария ҳолатини ўрганиш учун қўлланилиши керак.

6.2.7 Жамоат қутқариш воситалари ва фавқулодда алоқа

Соҳилбўйи жойлардаги жамоат қутқарув воситалари қирғоқ чизиклари ва сувлари хусусиятлари ва шартларига мос бўлиши керак. Ускуналар жамоатчилик намоёндалари учун фойдаланишга қулай ва кам тебранадиған ҳамда қутқарувчилар хавфсизлигига таҳдид солмаслиги керак.

Фавқулодда хабар бериш масалаларини ҳам қуриб чиқиш керак (масалан телефон ва чақирув пункти), айниқса мобил алоқа қамраб олмайдиған ёки изоляцияланған, ёрдам узоқда жойлашған жойлар.

Жамоат қутқарув усқуналари назорат чораси сифатида идентификация қилинған пляжларда қуйидаги жиҳозлар бўлиши керак:

- а) саёз шаффоф пляжда: 46 см - 61 см қутқарув чамбараги;
- б) ўртача ва чуқур шаффоф пляжда: 46 см - 61 см қутқарув чамбараги;
- с) пляжда сув тез оқадиган жойларда (дарёдан сув қирадиған жойлар): бакенлар ўрнатилған трос арқонлар;
- д) қояли ва тоғли жойларда: 46 см - 61 см қутқарув чамбараги;
- е) сунъий ҳудудларда (порт деворлари, тўлқинқайтарғич) 61 см - 91 см қутқарув чамбараги.

Бу жиҳозлардан фойдаланиш хавфларни динамик баҳолаш бўйича тавсияларга асосан аниқ жойлашувига мос бўлиши керак. Қутқарувчилар ҳаётига хавф соладиган усқунлардан фойдаланмаслик керак.

Жамоатчилик қутқарув жиҳозлари:

- аниқ жойлаштирилған, қизил, тўқ сариққа бўялған, осон олинадиған бўлиши;
- хавфни баҳолашда белгилангани каби интерваллар билан жойлаштирилиши;
- йил давомида мунтазам текширилиши, текширувлар қайд этилиши, керак бўлганда алмаштирилиши керак.

6.2.8 Пляж эвакуацияси ва ёпилиши

Пляж хавфсизлиги режалари доирасида, лозим бўлганда, пляжни эвакуация қилиш ва ёпиш жараёни назарда тутилиши керак. Қуйидаги шартларда пляжни эвакуация қилиш ёки ёпиш керак бўлади:

- а) ифлосланиш ва касалликларни пайдо бўлиши;
- б) хавфли шароитлар (тошқин, сув кўтарилиши, қучли шамол тўлқинлар ва б.);
- с) сув хавзасининг хавфли жониворлари (ақула, медуза, тимсоҳлар);
- д) цунами ёки табиий офат;
- е) оммавий тартибсизликлар ва намоёишлар.

Изоҳ - ISO 20712-3 цунами юз бериши мумкин бўлған ҳудудларда ундан қочиш бўйича кўрсатмалар беради.

6.3 Пляжни тозалаш ва чиқиндиларни чиқариш

6.3.1 Умумий қоидалар

Пляж оператори фойдаланувчиларга улар хавфсизлиги, пляж ва унинг

объектларидан марокли фойдаланишлари тўғрисида хабар қилинганлигини кафолатлаган ҳолда ушбу стандартда белгиланган тозалаш жараёни, чиқиндиларни олиб чиқиш талабларига амал қилинишини назорат қилиши, ташкил қилиши ва таъминлаши керак.

Пляж оператори тозалаш режасини ўрнатади ва бу режага амал қилинишини назорат қилади, режадан четга чиқилганда ёки пляж оператори етарли эмас деб ҳисобласа тегишли ўзгартиришлар киритади.

Тозалаш ва чиқиндиларни олиб чиқишни назорат қилиш учун пляж оператори ушбу стандартда ўрнатилган талабларини бажарилиши доирасида назорат текширувлари бўйича янгиланган ёзувларни юритиши керак.

Нazorat камида қуйидаги жиҳатларни қамраб олиши керак:

- тозалаш тартиб-қоидаларига мувофиқлиги даражаси;
- қурилма ва жиҳозларни жойлашуви ва тозалик ҳолатига мувофиқлиги даражаси;
- тозалаш режаси ва чиқиндиларни йиғиб териш самарадорлигини текшириш.

6.3.2 Режалаштиришга доир талаблар

Пляж оператори қуйидагиларни ўз ичига оловчи батафсил режа ишлаб чиқиши керак:

- a) мавжуд бўлган инсон ва техника ресурслари;
- b) хизматлар изчиллиги ва сони;
- c) тозалаш тартиблари;
- d) табиий чиқиндиларни йиғиш тартиби;
- e) хавfli чиқиндилар учун ҳаракат режаси.

Чўмилиш мавсуми давомида пляждаги қуруқ ва сувли ҳудудларни тозалаш режасини бажариш камида қуйидаги тадбирларни ўз ичига олиши керак:

- қуруқ ва сувли жойлардаги чиқиндиларни тўплаш;
- зарур бўлса қумни бошқа жойга кўчириш;
- чиқиндиларни сувдан олиб чиқиш;
- пляж экотуриزمи динамикасига зарар етказмаган ҳолда керакли тарзда сув ҳавзаси ўтлари/ўсимликларидан тозалаш.

Тозалаш даврийлиги мавсум, фойдаланиш даражаси, об-ҳаво ва бошқа тегишли омилларни инобатга олган ҳолда режалаштирилиши ва амалга оширилиши керак.

Ҳайвонлар, жумладан ит ва отларни чиқиндиларини тозалаш масалаларини ҳам кўриб чиқиш керак.

Тозалаш тўғрисидаги ёзувлар сақланиши керак.

6.3.3 Тозалаш қурилмалари ва ускуналари

Пляждаги қурилма ва ускуналарни тозалаш режасига тозалашда фойдаланиладиган ювиш воситалари ва кимёвий маҳсулотларни тури киритилади ва камида қуйидагиларни тозалашни ўз ичига олиши керак:

- душ ва оёқ ювгичлар;

- саватча ва ахлат қутилари;
- кум ва сувга кириш жойлари;
- хавфсизлик ва мижозларни жалб қилиш инфратузилмаси;
- бошқа қурилма ва ускуналар.

Махсус тадбирлар ва бошқа ноодатий ҳодисалардан кейин тозалаш режасида қурилма ва ускуналарни етарли даражада тозалаш чоралари кўзда тутилиши керак.

Хизматларга чегирма берилган ҳолатда пляж оператори етказиб берувчилар қурилма ва ускуналарни яхши ҳолатда режалаштиришларини ва сақлашларини таъминлаши керак.

Қурилма ва ускуналарни тозалигини таъминловчи хизматлар изчиллиги ва жадвали қуйидагича бўлиши керак:

а) ҳожатхона ва алмаштириладиган объектлар: кун давомида камида уч марта ва иш куни охирида, ҳамда ҳар гал тозалаш талаб қилинганда;

б) душ ва оёқ ювгичлар: кунига камида бир марта, хизмат кўрсатилмаётган вақтда бажариш мақсадга мувофиқ, ҳамда лозим даражада тозаликни сақлаш учун - ҳар қандай вақтда;

с) пляж ва сувга кириш жойлари: кунига камида бир марта, хизмат кўрсатилмаётган вақтда бажариш мақсадга мувофиқ, ҳамда лозим даражада тозаликни сақлаш учун - ҳар қандай вақтда;

д) хавфсизлик ва мижозларни жалб қилиш инфратузилмаси: кунига камида бир марта, хизмат кўрсатилмаётган вақтда бажариш мақсадга мувофиқ, ҳамда лозим даражада тозаликни сақлаш учун ҳар қандай вақтда;

е) пляждаги бошқа қурилма ва ускуналар: кунига камида бир марта, хизмат кўрсатилмаётган вақтда бажариш мақсадга мувофиқ, ҳамда лозим даражада тозаликни сақлаш учун - ҳар қандай вақтда.

Тозалик тадбирлари тўғрисида ёзувлар сақланиши керак.

6.3.4 Чиқиндилар утилизацияси, йиғиш ва қайта ишлаш

Ахлат саватчалари ва чиқинди қутилари кумга жойлаштирилиши керак.

Агар селектив қутилар кум устига жойлаштирилмаса, ҳеч бўлмаганда пляжга кириш жойларида оператор томонидан белгиланган жойга ўрнатилиши керак.

Пляж операторида куруқликда йиғиладиган чиқиндиларни тўплаш режаси бўлиши керак ва қуйидагиларни камраб олиши керак:

а) қуйидаги гуруҳдаги чиқиндиларни йиғиш учун зарур бўлган саватчалар ва қутилар сони:

- ўрамлар;
- қоғоз ва картон;
- органик материал;
- стакан;

б) пляждаги саватча ва қутиларни тақсимланиши;

с) саватча ва қутиларни бўшатиш тартиби;

д) зарур инсоний ва моддий ресурслар;

е) йиғилган чиқиндилар бўйича ваколатли менежерлар ва депозитлар.

Чиқиндиларни танланма йиғиш режасида пляж оператори пляжни махсус тадбирлар ва ноодатий ҳодисалардан кейин тозалигини таъминлайдиган чораларни назарда тутиши керак.

Хизматларни тақдим этишда пляж оператори етказиб берувчиларни чиқиндиларни йиғиш тизимини режалаштириш ва сақлаш, имкон бўлса қайта ишлашга ҳаракат қилиши керак.

Саватча ва қутиларни бўшатиш хизмати изчиллиги чиқиндилар пайдо бўлиш хусусиятидан келиб чиқиши керак, камида қуйидаги изчилликда амалга оширилиши лозим:

- органик материаллар учун саватчалар ва қутилар: ҳар куни, имкон қадар юқори фаоллик бўлмаган вақтда ва ҳар сафар тўлиб қолганда ва бошқа чиқинди ташлаш мумкин бўлмай қолганда;

- бошқа чиқиндилар учун саватчалар ва қутилар: тўлган заҳоти яна фойдаланиш учун бўшатилади.

6.4 Тижорат хизматлари

6.4.1 Умумий қоидалар

Пляж оператори ҳордиқ чиқариш хизматларини яхши шароитда, тоза ва яхши сақланишига ишонч ҳосил қилиши керак. Агар камчилик аниқланса, улар етарли даражада ишлашини таъминлаш учун зарурий тўғрилаш чоралари қўлланилади.

Ҳордиқ чиқариш хизматларини назорат қилиш натижаларининг ёзувлари сақлаб қўйилади.

Пляжда қуйидаги ҳордиқ чиқариш хизматларидан бирортаси тақдим қилинса ушбу стандарт талаблари бажарлиши керак:

- а) овқатланиш ва ичимлик маҳсулотларини йўлга қўйиш;
- б) қуёшда ётиш тўшаги/стул/соябонлар ижараси;
- с) кўнгилочар машғулотлар;
- д) спорт машғулотлари;
- е) норасмий тарқатувчилар.

Норасмий тарқатувчиларга фаолият юритиш рухсат этилса пляж оператори уларни тартибга солиши ва пляж сиғимини ҳисобга олиши керак.

Пуллик кўнгилочар машғулотлар тақдим қилинса улар нархлари кўринадиган жойга ўрнатилиши керак.

Барча кўнгилочар қурилмалар ва жиҳозлар умумий тозалик ва таъмирлаш режасига киритилиши, ҳамда юқори даражада ишлаши ва тоза бўлиши керак.

Кўнгилочар хизматлар жадвали белгиланиши ва мижозларга етказилиши керак.

Кўнгилочар хизматлар пляжга асосий кириш қисмида ва пляж харитасида кўрсатилиши керак.

Пляж оператори ходимлари (ёки хизматни таъминловчилар) униформа кийиши ва осон таниладиган бўлиши, хушмуомалалик қоидаларидан хабардор бўлиши керак.

Бошқарув тизими сиёсати ва мақсадларидан келиб чиқиб кўрсатилаётган хизматлар даражасини мониторинг қилиш кўрсаткичлари ва мижозларни қаноатланиш даражасини кўрсаткичлари белгиланган бўлиши керак.

6.4.2 Озиқ – овқат ва ичимлик

Озиқ – овқат ва ичимлик таъминотчилари гигиенанинг юқори стандартларига амал қилишлари ва маҳаллий рухсат этилган бўлса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг овқат гигиенаси бўйича Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти кўрсатмаларига амал қилиш керак.

6.4.3 Қуёшда ётиш тўшаклари ва соябонлар

Қуёшда ётиш тўшаклари ва соябонлар хизматларини кўрсатувчилар униформа кийган ва осон таниладиган бўлиши керак. Ходимлар мижозлар билан хушмуомалалик қоидаларини билишлари керак. Хизматлар нархи ва иш жадваллари фойдаланувчиларга кўринарли бўлиши керак.

6.4.4 Спорт ва кўнгилочар машғулотлар

Агар пляжда болалар учун ўйин майдончаси ва спорт машғулотлари учун майдонлар мавжуд бўлса улар аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Пляж фойдаланувчиларига майдонларнинг очилиш вақти, нархи (пуллик бўлса) ва фойдаланиш қоидалари тўғрисида маълумот берилиши керак.

Пляж оператори ҳар йили спорт ва кўнгилочар тадбирларни режалаштиради ва фойдаланувчиларга маълумот беради.

Тадбирлар ишлаб чиқиш вақтида алоқа механизмлари яратилиши ва хавфсизлик масалаларини мувофиқлаштирилиши керак.

Пляж оператори хизматларни кўрсатиш учун зарур материаллар ва жиҳозларни тайёрлаши, тадбирларни ташкиллаштириши керак.

Бу тадбирларга жалб қилинган ходимлар тайёргарликдан ўтган бўлишлари ва танилишлари учун ажралиб туришлари керак.

Пляж оператори спорт ва кўнгилочар тадбирлар бошқа фойдаланувчиларга ҳалақит бермаслиги, айниқса шовқин бўлиши, механизмларини ўрнатиши керак.

Агар бошқаларга ҳалақит беришини олдини олиш имкони бўлмаса бошқа фойдаланувчиларни тадбир тўғрисида ва унинг давомийлиги тўғрисида огоҳлантириши керак.

А илова (маълумот учун)

Сигим концепцияси

Пляж сигими пляж бошқарувида муҳим омилдир. У пляждан фойдаланиш параметрларини, айниқса инфратузилмани режалаштиришда фойдаланилади.

Пляжни бошқаришни муҳим жиҳатларидан бири кириш шароитларини сигимга мос келишидир, бу ортиқча фойдаланувчилар бўлмаслигини таъминлайди. Пляжларга кириш одатда текин бўлади, лекин қонунчилик ва тартиблар пляжга киришни назорат қилиши мумкин. Пляжга сигимига нисбатан ортиқча одамлар киришини олдини олишни бир қанча усуллари мавжуд. Бу усулларни бирини танлаш қуйидаги каби бир қанча омилларга боғлиқ:

- одатлар;
- жойлашуви, айниқса энг яқин шаҳар марказигача масофа;
- топография;
- экологик сезувчанлик;
- инфратузилма;
- пляждан мақсадли фойдаланиш ёки оқилона фойдаланиш;
- об-ҳаво.

Шаҳар пляжлари – бу киришни бошқариш қийин бўлган пляжлардир, бунинг сабаби уларнинг одатда бепул бўлишидир. Лекин шундай чоралар борки, улардан пляжга киришни бошқаришда фойдаланиш мумкин, булар:

- туристик автобусларни пляж яқинида тўхташларини тақиқлаш, бу кўп миқдордаги мизожлар оқимини олдини олишга имкон беради;
- автотураргоҳларни тақсимлаш ва тўловлар жорий қилиш, бу фойдаланувчилар оқимини назорат қилишга ёрдам беради;
- пляждаги хизматлар ва қулайликларни чеклаш (жумладан хавфсизликни).

Пляжларга аниқ кириш жойларини ташкил қилиш киришни бошқаришга ёрдам беради, пляж атрофида яшил линияларни ташкил қилиш ҳам самара беради.

Пляжни самарали бошқариш учун киришни режалаштириш ва киришни бошқаришни таъминлаш зарур. Бу қуйидагилар учун маъқул органлар билан мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик заруратини келтириб чиқаради:

- жамоатчилик секторини бошқариш;
- пляждаги кўплаб тадбирлар;
- пляжга киришга алоқадор бошқа фаолият турлари (масалан транспорт, қўриқлаш ва ҳаракатни тартибга солиш идоралари).

В илова **(маълумот учун)**

Чўмилиш суви сифати

2003 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Хавфсиз рекреацион сув муҳити бўйича биринчи қўлланма нашр қилинди, унда сув ресурсларини бошқаришни аралаш тизими ва қабул қилинган даражаларда рекреацион чўмилиш билан боғлиқ соғлиққа салбий таъсирни чеклашга мўлжалланган сув сифатини баҳолаш тизими таклиф қилинган. 4-бобда ЖССТ ёндашуви асосини ташкил қилган, ЕИнинг Чўмилиш суви Директиваси (2006 й) нинг асоси бўлган фан тушунтирилган. 2009 йилда ЖССТ томонидан қўшимчалар киритилган, лекин пляжларни бошқариш тамойиллари ёки сув сифати стандартлари сезиларли даражада ўзгармаган.

ЖССТнинг Денгиз суви учун микроб стандартларига Буюк Британияда 1989-1992 йиллари соғлом кўнгиллилар иштирокида ўтказилган ва Британия томонидан молиялаштирилган тадқиқотлар асос бўлган. Бу тадқиқотлардан олинган асосий натижа ўзини чекловчи гастроэнтерит (GI) бўлди, ЖССТ олган сув сифати стандарти аҳоли фойдаланадиган сув даражасида бўлди.

Денгиз сувида мавжуд ичак энтерококклари касаллик кўзгатувчи ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда GI касаллигининг ўртача кўрсаткичи йилига тахминан 1 та ходисадир. ЖССТ ашаддий денгиз сузувчиси учун аҳамиятсиз бўлган GI касаллигини тахминан икки баробар кўпайиши мумкин бўлган сув сифати даражасини аниқлашни хоҳлайди. Буюк Британиядаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу хавф даражаси чўмилиш жойидаги сув сифати 200/100 ml сувда ичак энтерококки 95 фоиз билан тавсифланганда 20 марта чўмилишга эквивалент ҳисобланади.

Сув сифати қоидаларини белгилаш билан бир қаторда, ЖССТ чўмилиш сувларини бошқариш бўйича янгича ёндашувни таклиф қилди. Бу уйдаги қорамоллардан чиқадиган қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини оқизиб келувчи дарё, тозаланган оқава сувлар (асосан Буюк Британияда дезинфекция қилинади), тошиб кетган оқава сувлардан тушган сувлар каби асосий бактериал ифлосланишлар манбасини аниқлаш учун чўмилиш санитария-гигиеник профилини яратишни назарда тутди. Қишлоқ хўжалиги чиқиндилари тушишида инсон патогеник вирусларини бўлиши эҳтимоли кам ҳисобланади, шунга кўра чўмилувчилар учун хавфи кам, бироқ уни хавфдан ҳоли деб ҳисоблаш нотўғри чунки уларда протозан ва бактериал патогенлар бўлиши мумкин. Инсон билан боғлиқ бўлмаган бу ифлосланишлар оқими технологик аралашув билан мураккаблашади деб тан олинади. Бироқ бунга кўпинча олдиндан айтиш мумкин, чунки чўкинди ва оқимлар, одатда, чўмилиш сувларини ифлосланишига олиб келади. ЖССТ таъкидлашича, чўмилиш сувининг санитария профили инсон томонидан

ифлослантирилганини кўрсатмаса, жамоатчиликни потенциал хавфдан физик белгилар ва/ёки электрон хабарлар (масалан матн ва интернет) орқали огоҳлантириш мақсадга мувофиқ. Бу “олдиндан билиш ва ҳимоя қилиш” ёндашуви чўмилиш ҳавзалари учун мос сув сифатини содда табиий ўлчовлар орқали олдиндан билиш моделларни талаб қилади (масалан ёғингарчилик ва қуёшли ҳавонинг интенсивлиги). ЖССТ нинг мазкур “олдиндан билиш ва ҳимоя қилиш” ёндашуви уй ҳайвонлари томонидан саломатликка бўлган хавфни чеклашга мўлжалланган.

С илова (меъёрий)

Инфратузилмага доир минимал талабларнинг назорат рўйхати

С.1 Инфратузилмага доир минимал талаблар

Пляждаги бинолар ва вақтинчалик иншоотлар улар жойлашган табиий ва шаҳар муҳитига уйғунлашган бўлиши керак, ҳамда экологик ва эстетик омилларга жавоб бериши керак.

Санитария хизматлари камида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ҳожатхона;
- оёқ ювгич ва душлар;
- пляж сиғимини ҳисобга олган ҳолда, барча фойдаланувчилар эҳтиёжини қондирадиган миқдорда санитария қурилмалари бўлиши керак;
- ҳожатхонадан чиқадиган ҳар қандай оқава сувлар алоҳида ишланиши ва чўмилиш ҳавзасига ёки унга келиб қўшиладиган сувга тушмаслиги керак;
- фойдаланувчилар сифатли тиббий ёрдам олишлари учун етарли даражада биринчи ёрдам пунктлари бўлиши керак;
- пляжга кириш жойлари аниқ белгиланган ва унга борадиган йўл хавфсиз бўлиши керак;
- пляжда соя жойлар ташкил қилиниши керак;
- саватча ва ахлат қутилари қумга жойлаштирилиши керак;
- барча қурилма ва ускуналар ҳамда уларга кириш фойдаланиш учун шай ҳолда, тоза ва яхши сақланган бўлиши керак.

С.2 Хизматларга доир минимал талаблар

С.2.1 Умумий қоидалар

Санитария хизматлари, пляжда хавфсизлик хизматлари, кўнгилочар хизматлар ва техник хизмат кўрсатувчи ходимлар, мижозлар билан алоқага киришадиган барча ходимлар:

- етарли малакага эга бўлишлари;
- тўғри ишлашлари учун етарли моддий ресурсларга эга бўлишлари;
- униформа кийган ва осон таниш мумкин бўлиши;
- мижозлар эътибори учун хушмуомалалик қоидаларидан хабардор бўлиши керак

Фойдаланувчиларга тақдим этиладиган маълумотлар харита ва асосий кириш жойларида фойдали маълумотларга эга бўлиши керак. Маълумотлар тўлиқ бўлиши, мунтазам янгиланиб туриши ва маҳаллий расмий тилда берилиши, камида битта хорижий тилда берилиши ҳамда камида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак (пляж фаолияти ва ташкилот режасига мувофиқ):

- кириш пунктларини жойлашиши (рухсат этилган бўлса жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун);

- тақдим этилаётган турли хизматларни, хожатхона ва чўмилиш ҳудудлари жойлашуви;
 - пляж оператори маълумотлари;
 - чўмилиш мавсуми даврлари;
 - чўмилиш мавсумида ва ундан ташқари вақтда кўрсатиладиган хизматлар;
 - хизматлардан фойдаланиш жадвали, тўлов талаб қилинса ҳар бир хизмат учун тарифлар;
 - пляжда ўтказиладиган ҳар бир тадбир ва ташкилий ишлар вақти ҳамда давомийлиги тўғрисида олдиндан огоҳлантириш;
 - таклиф ва шикоятлар бериш жараёнлари;
 - пляж оператори томонидан қабул қилинган хизмат кўрсатиш ва мажбурият кўрсаткичлари;
 - мазкур йил учун ўрнатилган мақсадлар ва ўтган даврда эришилган натижалар ва ютуқлар;
 - фойдаланувчига алоқадор қонунчилик ва тартиб-қоидалар;
 - пляж фойдаланувчилари учун хатти-ҳаракатлар кодекси (график рамзлар орқали етказилади);
 - хавфсизлик маълумотлари (жумладан фавқулодда ҳолатлар);
 - соғлиқ ва хавфсизлик индикаторлари натижалари;
 - экологик масалалар кўрсаткичлари натижалари (жумладан сув сифати).
- Эволюция, атроф муҳитга таъсири, фойдаланувчилар саломатлиги ва қулайлиги, кўрсатиладиган хизматлар сифати даражасинини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими яратилиши керак.

Фойдаланувчилар шикоятлари ва таклифларига жавоб берадиган тизим бўлиши, ҳамда уларни ҳал қилиш бўйича қўлланма бўлиши керак.

С 2.2 Кўнгилочар хизматлар

Пляжда соя ҳудудлар ташкил қилиниши керак.

Спорт ўйинлари ва бошқа кўнгилочар тадбирлар бошқа фойдаланувчиларга ҳалақит бермаслиги учун механизм назарда тутилиши керак.

Озиқ-овқат ва ичимлик таъминотчилари гигиена стандартларига риоя қилиниши керак.

С 2.3 Хавфсизлик хизматлари

- Барча тиббий пунктларда биринчи ёрдам хизматини таъминлаш учун малакали ходимлар ва қутқарувчилар бўлиши, хавфсизлик хизмати координатори томонидан пляждаги хавфлар баҳоланиши, фойдаланувчилар учун хавфсизлик чоралари таъминланиши керак.

- Пляж оператори ҳар йили саломатлик учун бевосита ва билвосита хавфларни аниқлашни янгиллаб туради, ҳужжатлаштириш ишларини олиб боради ва фавқулодда ҳолатлар учун режалар тузади.

- Қутқарув хизматлари бахтсиз ҳодисаларни бартараф этиш учун зудлик билан чора кўришлари керак.

- Хавфсизлик байроқчаларидан қутқарувчилар бор жойларда фойдаланиш керак.
- Жамоат қутқарув ускуналари қирғоқ чизиғи ва сув хусусияти ва шартларига мос бўлиши керак.
- Йўқолган ва топилган шахсларни мувофиқлаштириш ва чора кўриш тартиби бўлиши керак.
- Хавфсизлик хизматида амалга оширилган ишлар кунлик қайд қилиб борилиши керак.

С 2.4 Тозалик ва техник хизмат кўрсатиш

Сувдан чиқиндиларни олиш, қумдан йиғиб олиш, пляждаги барча ускуна ва қурилмаларни тозалаш, махсус тадбирлар ва ноодатий ҳолатлардан кейин лозим даражада тозаликни таъминлаш - тозалик ва чиқиндиларни териб олиш режасига асосан бажарилиши керак.

Ускуна ва қурилмаларни тозалаш ва техник хизмат кўрсатиш ўз ичига санитария хизматлари, саватчалар ва ахлат қутилар, сув ва қумга кириш, мижозларни жалб қилиш ва хавфсизлик инфратузилмаси, ҳамда бошқа кўнгилочар қурилмалар доим соз ҳолатда ва тоза бўлиши керак.

Фойдаланувчилар ёки хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан аниқланган носозликларни дарҳол таъмирлаш ёки лозим бўлганда алмаштириш чораларини кўришни самарали механизмини таъминлаш керак.

Техник таъмирлаш ишлари профилактик ва созлаш ишларидан иборат бўлиши керак, техник хизмат кўрсатиш ва тозалик режасига асосан мониторинг қилиниши ва бажарилиши керак, юқори фаоллик даврида созлаш ишлари олиб борилганда улар эълон қилиниши ва кўрсатилиши, ҳамда альтернатив хизматлар таклиф қилиниши керак.

Тозалик ва чиқиндиларни тўплаш ишлари инспекцияси қайд қилиб борилиши керак.

Д илова **(маълумот учун)**

Пляжда соя берувчи материал намуналари

D.1 Материаллар

Пляж паркида куйидаги турдаги соя материаллари ишлатилиши мумкин:

а) Тентлар

Тентлар ва ташқи қоплама материаллари – мустаҳкам яхлит том ва кўп техник хизмат кўрсатишни талаб қилмайди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳимоялаш кўзда тутилган. Узоқ давр мобайнида фойдаланиладиган, айниқса 0-18 ёш оралиғидаги фойдаланувчилар бўлганда ультрабинафша нурларидан ҳимояланиш учун қаттиқ қопламалардан фойдаланган маъқул.

б) Алюминий ва қалайли томлар

Алюминий ва қалай шаффоф эмаслиги сабабли ультрабинафша нурлардан максимал ҳимоя қилади. Бу материаллар одатда узоқ хизмат қилади ва турли об-ҳаво шароитига бардошли бўлади, шу сабабли ультрабинафша нурларидан ҳимоялашда иқтисодий томондан самаралидир.

с) Поликарбонат ва шиша толали қопламалар.

Поликарбонат ва шиша толали қопламалар қаттиқ материал бўлиб инфрақизил (иссиқ) нур ва ёруғлик ўтказувчан бўлади. Ушбу материаллар қишки иситиш талаб қилинадиган жойларда самарали. Максимал ҳимояни таъминлаш учун ишлаб чиқарувчидан ультрабинафша нурларини ўтказувчанлик коэффиценти синови натижаларини олиш зарур. Шиша толали қопламалар поликарбонатга қараганда камроқ бардошли бўлиши мумкин.

д) Шийпон

Соябон ва шийпонлар фойдаланилган материалларига қараб турли ҳимоя сифатини беради. Матода бўлгани каби қанча зич тўқилса ультрабинафша нурларидан ҳимоя шунча кучли бўлади. Баъзи материалларга пластик қопланган бўлади ва шу сабабли кучли ҳимояни таъминлайди, чунки пластик ультрабинафша нурларини сингдириб олади. 1995 йилдан бошлаб баъзи давлатларда соябонларга ультрабинафша нурлари рейтинги татбиқ қилиниши керак.

е) Брезент

Брезент одатда соябонларда ишлатилади. Брезент ишлаб чиқарилган вақтда юқори ҳимоя коэффицентиغا эга бўлади. Бироқ, об-ҳаво таъсирида ёмонлашишга мойил бўлади, шу сабабли қуёшдан ҳимояланиш самараси камроқ бўлади.

ф) Мато

Мато ультрабинафша нурларидан ҳимояланишда энг самарасиз қоплама ҳисобланади. Бу одатда ёлғон хавфсизлик ҳиссини беради, чунки ультрабинафша нурларининг асосий қисмини ўтказиб юборади. Агар шундай матодан фойдаланилса фойдаланувчилар қуёш ўтказмайдиган кийимларини кийиб юриши ва қуёшга қарши кремдан фойдаланишлари туғрисидаги

огоҳлантирувчи тахтачаларни илиб қўйиш тавсия қилинади. Мато қуёшнинг ультрабинафша нурлари учун моддий тўсиқ ҳисобланади, қанчалик нур ўтказувчан бўлса шунча кўп ультрабинафша нурларини ўтказди. Зич қилиб тўқилган мато 90 фоизгача ультрабинафша нурларини ушлаб қолади. Ранг, ювиш таъсири ва таранглик ультрабинафша нурлари ўтказувчанлиги хусусиятини ўзгартириши мумкин. Агар мато таранг тортилса, унинг тешиклари кенгаяди ва кўпроқ ультрабинафша нурларни ўтказиб юборади. Ультрабинафша нурларини ўтказмайдиган матолардан фойдаланиш тавсия этилади.

D 2 Пляжларда сояларни самарали лойиҳалаш

Пляж оператори қуёш ҳаракатини ҳисобга олиш керак, айниқса хавф юқори бўлган соатлар 9:00 ва 15:00 оралиғида. Қуёшнинг ҳаракати соялар шакли самараси ва ўлчами тузилмасига таъсир қилади. Шарқий ва ғарбий тарафлар одатда соя ҳимоясини таъминлаш учун кенгроқ қилиш талаб қилинади. Вертикал томонлар мумкин бўлганда соя тузилмаси қисми сифатида қаралади (масалан автобусни орқа ва ён томонлари). Иложи бўлганда табиий ва барпо этилган соялардан самарали фойдаланиш лозим. Бу комбинация барпо этилган тузилмаларни самарали соя беришини таъминлайди, дарахтлар ўсаётганда ва/ёки соя объектнинг кўпроқ қисмини қамраб олганида.

Барпо этилган қурилмаларнинг соя учун ўрнатилган томи кўпроқ ҳимояни таъминлаш учун қаттиқ бўлиши керак ва ораларида очик жой бўлмаслиги керак.

Соя фақат ультрабинафша нурларини тўғридан тўғри таъсиридан ҳимоя қилади ва 100 фоизлик ҳимояни таъминлай олмайди. Бундан ташқари, соя юзасини максималлаштириш учун юқори коэффицентли ультрабинафша нурларни қайтарувчи материалларни танлаш, камида ультрабинафша нурлардан 94% ҳимоя қиладиган матоларни танлаш зарур. Баъзи материаллар (масалан паст сифатли матолар) ультрабинафша нурларини юқори даражасини қайтаришда самарасиз ва тавсия этилмайди. Соя структурани ўртасида юқори даражада бўлади, чунки бу ерда ультрабинафша нур акси минимум бўлади. Соя структурасини марказига муҳим ўйин жиҳозларини жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Соя структурасини эгилган ва тишли четлар билан лойиҳалаштирмаслик керак, чунки улар қурилма самарадорлигини камайтиради. Қурилма четлари ультрабинафша нурлари атроф юзасидан аксланмаслиги учун иложи борица паст бўлиши керак. Пляж операторлари ускуналарни сояда бўлиши учун шийпон четлари ускуналарни чеккаларигача ёпиши керак.

Атроф юзани акс этиш хусусиятини, сояда туриши керак бўлган ускунанинг остидаги материални ҳисобга олиш керак. Масалан қумни акс эттирувчи хусусияти юқори, аммо бошқа материалларни (масалан жароҳатларни олдини олувчи резина маҳсулотлари) акс эттириш коэффицентини паст. Яна бир кенг тарқалган мисол бу ёрқин бетон бўлиб,

пикник ва барбекю учун фойдаланилади. Бу ҳам ультрабинафша нурларини юқори даражада акс эттиради.

Ўриндиқлар, столлар, барбекю ва ўйин жиҳозлари шийпон остига жойлаштирилиши керак. Маҳаллий муҳитга мос сояли дарахтларни танлаш лозим.

Вандализм – соя тузилмаси ва дарахтларни экишга нисбатан доимий муаммо ҳисобланади. Агар конструкция баландлиги том қопламасига тегмаслик учун юқorigа кўтарилса соя самараси камайиб кетади. Агар пляж оператори конструкцияни баланд қилса қуйидаги лаҳзаларни инобатга олиш керак:

- структура ўлчамини катталаштириш ёки сояга жойлаштириладиган ускуналар сонини камайитириш;
- мустаҳкамроқ материалдан фойдаланиш (масалан темир қоплама ёки брезент);
- бошқа ушлаб турувчи материаллардан фойдаланиш (масалан юқorigа чиқишни олдини олувчи “каламуш дисклари”).

Е илова
(маълумот учун)

Йўқолган ва топилган шахслар

Е.1 Умумий қоидалар

Қутқарувчилар ва пляжнинг бошқа ходимлари “йўқолган ва топилган шахслар” иши билан тўқнаш келиш эҳтимоли мавжуд.

“Йўқолган шахс” ходисаси қуйидаги ҳолларда юзага келади:

- оила аъзоси, дўсти ёки васий қутқарувчига ёки бошқа ходимга келиб одам йўқолганлиги тўғрисида хабар беради;

- сув билан боғлиқ ҳодиса туфайли одам йўқолган деб топилиши.

“Топилган шахс” ходисаси қуйидаги ҳолда юзага келади:

- фойдаланувчи қутқарувчига ёки бошқа ходимга келиб ўз гуруҳини йўқотиб қўйганлиги тўғрисида мурожаат қилади;

- қутқарувчи ёки бошқа ходим беҳаловат ва/ёки йўқолган каби одамга дуч келади;

- фойдаланувчи ёш бола/одамни топиб олади ва қутқарувчи ёки пляжни бошқа ходимига топширади.

Е.2 Жараён

Қуйидаги ҳолларда қутқарувчи ёки пляж ходими дарҳол ташқи органларга хабар бериши керак:

- агар шахс сувда ёки сув яқинида сўнгги марта кўрилган бўлса (масалан эшкак эшишда);

- агар йўқолган шахс махсус эҳтиёжли бўлса (масалан тиббий);

- жиний фаолият содир бўлгани тўғрисида асосли шубҳа ёки далил бўлса;

- агар шахснинг бевосита хавф остида бўлиши мумкинлигини кўрсатадиган бирон бир ҳолат бўлса.

Йўқолган болаларни топиш билан боғлиқ юқори хавф бўлган пайтда пляжда йўқолган болалар ходисаси салбий натижа билан тугаши эҳтимоли анча паст. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, болаларни кўпчилиги бир йўналишда ҳаракат қилади. Қидирув ишлари ҳар бир йўналишга 1000 метр узоқликда ва йўқолган вақтдан бошлаб ҳар 15 дақиқада олиб борилиши керак. Бундан ташқари бола йўқолгани қанча тез аниқланса шунча тез топилади.

Соҳилда ном нишонсиз йўқолган шахслар тегишли ташқи идораларга хабар берилади.

Ҳукумат вакиллари қуйидаги маълумотларни сўраши мумкин:

а) қутқарувчи маълумотлари (исми, телефон рақами, жойи);

б) йўқолган шахс(лар)нинг исми шарифи, телефон рақами, транспорт рўйхат рақами (агар мавжуд бўлса);

с) охириги марта кўрилган санаси, вақти ва жойи;

д) йўқолган шахснинг таърифи (жинси, ёши, қандай кийимдалиги,

пойабзали, жисмоний/ақлий ҳолати, дори-дармонлар, ит билан юргани (таърифи));

е) йўқолган шахснинг маълум мақсадлари ёки эҳтимолий ҳаракатлари, дўстлари ёки маҳаллий қариндошлари;

ф) об-ҳаво шароитлари;

г) йўқолган шахснинг жой/атроф муҳит тўғрисида маълумот ва тажрибага эгалиги;

h) қилинган ишлар, ички ишлар органига хабар берилганлиги;

i) тақдим этилган далилларга асосланган бошқа тегишли маълумотлар.

Қутқарувчилар маҳаллий чоралар қўлланиши мумкинлиги тўғрисида билишлари керак, жумладан болалар йўқолганда.

Е.3 Профилактик чоралар

Кўпгина пляж операторлари болалар йўқолишини олдини олиш ёки йўқолган жойини аниқлашга ёрдам берадиган муваффақиятли схема ишлаб чиқишган ва татбиқ қилишади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- маълумотларга эга билакузуклар (масалан телефон рақами, бола йўқолганда ва/ёки ота-она/васийнинг маълумотлари қутқарувчилар/пляж ходимларига ёрдам бўлиши учун, агар бола топилса);

- пляж бўйлаб маълум жойларда уникал белгилар (масалан болаларга йўқолиб қолган вақтда пляжни қайси жойида туришни кўрсатувчи мультфильм қаҳрамонлари);

- аниқ учрашув нуқталари (масалан назорат миноралари).

Фойдаланувчиларга пляж билан боғлиқ хавфсизлик омиллари тўғрисида маълумот бериш усуллари тақдим қилиниши керак.

Таътилдан олдинги ёки чўмилиш мавсумидан олдин ўтказиладиган жамоат ўқув машғулоти тадбири пляжда мавжуд хавфлардан огоҳлантириш бўйича бебаҳо усул ҳисобланади.

Буни амалга оширишнинг баъзилари қуйидагича:

- кириш маълумоти нуқтаси (5.4 га қаранг);

- туристик нашрлар;

- хавфсизлик кампаниялари (масалан, музокаралар, плакатлар, ютуқли лойиҳалар, қутқарувчи ташкилотлар раҳбарлари томонидан уюштирилган ролли ўйинлар, сузиш машғулоти);

- хариталардаги маълумотлар (масалан, пляж байроқлари тизимини тушунтириш);

- газетадаги ёки маҳаллий ахборот бюллетенлардаги реклама.

Изоҳ - Бу каби кампаниялар чўкиш ва бошқа фалокатларга мойил ёш болалар ва ўсмирлар, ҳамда пляждан анча узоқдаги шаҳарларда яшайдиган одамларга мўлжалланса самарали бўлади.

Пляж жалб қиладиган фойдаланувчилар турини тушуниш ва аниқлаш, ҳамда ўқув машғулоти шунга асосан тузиш муҳим. Бу мулоҳазаларга ёш, жинс, этник мансублик, тил, маҳаллий аҳоли ва туристлар, бажарилиши керак бўлган айрим тадбирлар киради.

Ғилова
(мажбурий)

Пляжларни тоифалашга доир талаблар

Ғ.1 Пляжларни таснифлаш уч тоифа бўйича амалга оширилади. I – пляжларнинг юқори тоифаси, III – паст тоифаси. Пляж тоифасининг белгиси тегишли рангдаги байроқ ҳисобланади.

I тоифали пляж – кўк байроқ;

II тоифали пляж – яшил байроқ;

III тоифали пляж – сариқ байроқ.

Пляж тоифасининг белгиси пляжга кириш жойида, пляж чегараларида ва пляж ҳудудида, ташриф буюрувчиларга маълумот бериш учун қулайроқ бўлган жойда ўрнатилади.

Таснифлашга доир талаблар фақат пляж ҳудудида кўрсатиладиган хизматлар ва жойлашган объектларга тегишли. Агар пляж жойлаштириш воситасига тегишли бўлса, ушбу жойлаштириш воситаси ва унда кўрсатиладиган хизматлар O‘z DSt 3220 ва O‘z DSt 3296 давлат стандартлари бўйича баҳоланади.

Таснифлаш талабларининг рўйхати 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. Таснифлаш талабларининг рўйхати

Талаблар		Тоифа		
		I (кўк байроқ)	II (яшил байроқ)	III (сариқ байроқ)
Умумий талаблар				
1	Пляж акваторияси участкаларини бутун периметрини ишора қозиклари, буйлар, сувда қалқиб турувчи тўсиқлар билан жиҳозлаш:			
	- болалар чўмилиши учун чуқурлиги 0,7 m гача;	+	+	+
	- сузишни билмайдиган шахслар учун чуқурлиги 1,2 m дан кўп эмас	+	+	+
2	Қирғоқ бўйи ҳудуди режалаштирилган ва ободонлаштирилган	+	+	+
3	Пляж акваториясининг сув юзалари қуйидаги майдонга эга бўлиши керак:			
	- оқар сув ҳавзаларида бир кишига 5 m ² ҳисобидан;	+	+	+
	- оқмайдиган сув ҳавзаларида бир кишига 10 m ² ҳисобидан	+	+	+

Хавфсизликни таъминлаш				
4	Сув айрилиши жойидан 3 m дан узоқ бўлмаган масофада қутқарув анжомлари мавжуд бўлган тахтача	+	+	+
5	Пляж ҳудудида ҳар 150 m масофада қутқарув постининг кузатиш минораси мавжудлиги	+	+	+
Санитария-гигиена мақсадларидаги объектлар				
6	Ҳожатхоналар, кийимни алмаштириш кабиналари ва душнинг (объектлар) жойлашган жойи пляжнинг бутун узунлиги бўйлаб битта объектдан (ҳар бир турдаги объектлар орасидаги масофа):			
	100 m дан кўп эмас	-	-	+
	75 m дан кўп эмас	-	+	-
	50 m дан кўп эмас	+	-	-
7	Пляжнинг бутун узунлиги бўйлаб ахлат қутилари (қутилар орасидаги масофа):			
	100 m дан кўп эмас	-	-	+
	75 m дан кўп эмас	-	+	-
	50 m дан кўп эмас	+	-	-
Ахборот таъминоти				
8	Пляжга кириш жойида эни камида 1 m, баландлиги камида 1,5 m бўлган ахборот таблосининг мавжудлиги	+	+	+
9	Ахборот таблосининг алоҳида жойларининг мазмуни (давлат тилида, пляж эгасининг ихтиёрига кўра қўшимча равишда бошқа хориж тилларида рухсат этилади):			
	- пляж тоифаси тўғрисида маълумот	+	+	+
	- қўриқланадиган ва қўриқланмайдиган зоналар белгиланадиган объект схемаси	+	+	+
	- қутқариш хизмати ва тиббиёт таъминоти объектлари жойлашган жой тўғрисида маълумотлар	+	+	+
	- ўз-ўзини қутқариш усуллари ва жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида маълумотлар	+	+	+
	- ҳудудий ички ишлар органларининг жойлашган	+	+	+

	жойи ва телефон рақамлари тўғрисида маълумотлар			
	- санитария-гигиена мақсадларидаги объектларнинг жойлашган жойи тўғрисида маълумотлар	+	+	+
	- сув спорт турлари учун сув базалари ва коридорларининг жойлашган жойи тўғрисида маълумотлар (пляж ҳудудидан ташқарида)	+	+	+
	- овқатланиш пунктлари ва кўнгилочар масканлар жойлашган жойи тўғрисида маълумотлар	+	+	+
Қўшимча хизматлар				
10	Пляжга ташриф буюрувчиларнинг пляж ашёларини бемалол жойлаштириш учун пляжнинг камида 20 % фаол майдони билан таъминлаш	+	+	+
11	Ногиронлар учун ўтиш йўлкалари ва бошқа қулайликлар билан таъминлаш	+	-	-
12	Кўчма савдо (кўтариб юриб сотувчилар)	-	-	+
13	Болалар зоналари	+	+	-
14	Барча объектларнинг ишлаши:			
	- бутун чўмилиш мавсуми давомида	+	+	-
	- катновга қараб	-	-	+
Спорт хизматлари				
15	Пляж футбол, волейбол, бадминтон ёки бошқа спорт турлари учун майдонча	+	+	-
16	Спорт аттракционлари, батутлар, пуфлаб шишириладиган аттракционлар ва ҳоказо учун спорт зоналари	+	-	-
17	Моторли ва моторсиз сув спорти турлари учун сув	+	+	-

	базаси (катамаранлар, сув чанғилари, серфинг, парашютлар, “банан”- қайиқлар, скутерлар, қайиқлар ёки сув тепаликлари) ¹⁾			
Изоҳ ¹⁾ Моторли ва моторсиз сув спорти турлари учун вақтинчали ажратилган сув базалари пляжлар ҳудуди ташқарисида жиҳозланган бўлиши мумкин				

СУТ 03.080.99

Мухим сўзлар: пляж, чўмилиш мавсуми, пляж оператори, пляж бошқаруви, биринчи ёрдам, қутқарув хизмати, фойдаланувчилар, хавфлар, фавқулодда ҳолатлар, инфратузилма, хизматлар, таснифлаш, тоифали пляж,байроқ

Ўзгартиришларни рўйхатга олиш варағи

O‘z DSt 13009:2020 (ISO 13009:2015, MOD) “Туризм хизматлари.
Пляж фаолиятига доир талаблар ва тавсиялар”

[illegible]

Ўзбекистон Республикаси Туризмни
ривожлантириш давлат қўмитасининг
раис ўринбосари,
Туризм соҳасида стандартлаштириш
бўйича техник қўмита раиси .



Ф.Давруков

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

“Туризм хизматларини
сертификатлаштириш
маркази” ДУК директори



Н.Исломов

“Туризм хизматларини
сертификатлаштириш маркази” ДУК
директори ўринбосари



Х. Алишеров

“Туризм хизматларини
сертификатлаштириш маркази” ДУК
Стандартлаштириш бўлими
бошлиғи



А.Султонов

“Туризм хизматларини
сертификатлаштириш маркази” ДУК
Стандартлаштириш бўлими
бош мутахассиси



М.Хашимова